



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI HOKIMINING QARORI

220100, Urganch shahri, Al-Xorazmiy ko'chasi, 29-uy, tel: (62) 223-00-42, fax: 223-00-22

2021 - yil 20 - sentabr

97-12-0-Q/21

Xorazm viloyati hokimligi

Хоразм вилояти ҳокимлигининг бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом, вилоят ҳокими ва унинг соҳалар бўйича ўринбосарларининг функционал вазифалари тақсироти ва гуруҳлар, котибиятлар ва бўлимларни Низомларини тасдиқлаш ҳамда вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 911-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралда “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимидаги давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 июнда “Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6244-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 август “Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6275-сонли Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 5, 6 ва 25-моддаларига асосан

Қарор қиламан:

1. Хоразм вилояти ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозими, вилояти ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари лавозимига ўзгартирилсин.

2. Хоразм вилояти ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи котибиятидан 1 та штат (етақчи мутахассис), вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти 1 та штат (1-тоифали мутахассис) қисқартириш ҳисобига), вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти ҳузурида 2 та штат бирлигидан иборат ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил қилинсин.

3. Хоразм вилояти ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозими маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимига ўзгартирилсин.

4. Хоразм вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси котибияти штати вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг 2 та штат бирлигини ўтказиш ҳисобига 3 та штат бирлигига кенгайтирилсин.

5. Хоразм вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибиятидан 1 та штат бирлиги (етақчи мутахассиси) қисқартириш ҳисобига вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ташкил қилинсин.

6. Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари - вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқарма бошлиғи котибиятидан 1 та штат (1-тоифали мутахассис), ташкилий назорат гуруҳидан 1 та штат (1-тоифали мутахассис) ва ишлар бошқармасидан 1 та штат (1-тоифали мутахассис) қисқартириш ҳисобига 3 та штат бирлигидан иборат вилоят ҳокимлиги аппарати тузилмасида ижро интизоми назорати бўлими ташкил қилинсин.

7. Хоразм вилояти ҳокимлигининг ижро интизоми назорат бўлими раҳбарини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласи мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизоми таъминлаш шўъбаси билан келишилсин.

8. Хоразм вилояти ҳокимлиги аппарати тузилмасида ижро интизоми назорати бўлими ташкил қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳининг назорат функционал вазифалари ижро интизоми назорати бўлимига ўтказилсин ва ташкилий-назорат гуруҳи ташкилий кадрлар гуруҳи этиб қайта номлансин.

9. Вояга етмаганлар ишлари бўйича Хоразм вилояти идоралараро комиссияси тегишлича Болалар масалалари бўйича миллий комиссияси этиб қайта ташкил қилинсин.

10. Болалар масалалари бўйича миллий комиссияси ташкил қилиниши муносабати вилоят ҳокимлигидан 1 та штат (вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия котиби) вилоят халқ таълими бошқармасидан 1 та штат (болаларнинг ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш шўъбаси мутахассиси) қисқартириш ҳисобига 2 та штат бирлигидан иборат вилоят ҳокимлиги аппарати тузилмасида Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти ташкил қилинсин.

11. Хоразм вилояти ҳокимининг Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти мудирини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масаласи мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари котибияти билан келишилсин.

12. Хоразм вилояти ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси (И.Якубов) вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси котибиятига қўшимча штат birlikлари қўшилганлигини ва ижро интизоми назорати бўлими ҳамда ер участкалари олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ташкил қилинганлигини инобатга олиб, 3 кун муддатда ходимлар учун қўшимча хона ҳамда иш фаолиятида зарур бўладиган компьютер анжомлари ва бошқа зарурий ускуналар билан таъминласин.

13. Вилоят ҳокимлигининг бошқарув аппарати туғрисидаги Низом 1-иловага, вилоят ҳокими ўринбосарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари туғрисидаги низомлар 2-иловага, вилоят ҳокимлигининг гуруҳлари, котибиятлари, бўлими ва шўъбалари Низомлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Шаҳар-туманлар ҳокимлари мазкур қарорга мувофиқ ҳокимлик бошқарув аппарати туғрисидаги Низом, ҳоким ва унинг соҳалар бўйича ўринбосарларининг функционал вазифалари тақсимои ишлаб чиқисин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда шаҳар-туманлар ҳокимлари белгилансин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Ф.Эрманов

**Вилоят ҳокимлигининг бошқарув аппарати тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг (кейинги ўринларда бошқарув аппарати деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарув аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарув аппарати ҳокимлик фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий-техник ва молиявий-хўжалик жиҳатидан таъминлайди, халқ депутатлари вилоят Кенгаши мажлисларини унинг регламентига мувофиқ тайёрлайди, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ижрони мунтазам равишда текширади.

Бошқарув аппарати халқ депутатлари вилоят Кенгаши фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

4. Бошқарув аппарати ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек вилоят бошқармалари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Бошқарув аппаратининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бошқарув аппаратининг вазифалари ҳисобланади:

ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифалари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

вилоятни, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, таркибий ва институционал ўзгартиришлар, маҳаллий бюджетлар ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

вилоятда, шаҳарлар ва туманларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, иқтисодиётда, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларга доир тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

вилоят, шаҳарлар ва туманларнинг субвенция олишини қисқартириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ва кафолатларини таъминлаш юзасидан ҳудудий бошқарув органларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, ҳудудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш дастурлари, шунингдек бошқа ҳудудий дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлилни ташкил этиш;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларнинг янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларини мувофиқлаштириш;

қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боглиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан уларнинг айрим тармоқларга ва умуман ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муддатли ва узок муддатли таъсирини комплекс баҳолаш.

7. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациянинг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ҳокимнинг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкил қилади;

ҳокимликнинг иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

махфийлик режимини, давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлайди;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Бошқарув аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Бошқарув аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратиغا юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

9. Бошқарув аппарати:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, ҳокимнинг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишни талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Бошқарув аппаратининг тузилмаси

10. Бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-кадрлар гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, ижро интизоми назорати бўлими, Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг котибиятларидан иборат бўлади.

Бошқарув аппаратининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги “Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3129-сон қарорлари билан белгиланади.

11. Бошқарув аппаратининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати, ҳоким, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ҳамда ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги низомга, ушбу Низомга, Иш юритиш бўйича йўриқномага, шунингдек ташкилий-кадрлар гуруҳи, ижро интизоми назорати бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарлари котибиятлари тўғрисидаги низомларга мувофиқ ташкил этилади.

12. Ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-кадрлар гуруҳи, ижро интизоми назорати бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти, юридик хизмати, ахборот-таҳлил гуруҳи ва ишлар бошқармаси ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунди.

Котибиятлар ҳамда тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи ўз фаолиятида ҳокимнинг тегишли ўринбосарларига бўйсунди.

13. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ва ижро интизоми назорати бўлими раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳоким ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, шунингдек мутахассислар ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ташкилий-кадрлар гуруҳи, ижро интизоми назорати бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ҳамда ишлар бошқармаси, ахборот-таҳлил гуруҳи, юридик хизмат, ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари тўғрисидаги низомлар, шунингдек улар ходимларининг, ҳоким ёрдамчисининг, болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти ва юридик хизмат функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади.

V. Бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этиш

15. Бошқарув аппарати ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

хужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Ҳокимлар ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуйидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бошқарув аппаратида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881 сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги №12-сон қарорлари ижроси бўйича масъул.

а) молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

вилоят, шаҳар ва туманларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиши, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, инвестиция, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толасини ва мева-сабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни қафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига вилоят иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида кишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг кишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

чакана ва улгуржи савдони, хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, аҳолини истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритиш;

ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни

оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш;

давлат органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

б) капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш соҳасида:

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-ҳом ашёни ва қишлоқ хўжалиги ҳом ашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

вилоятда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш; пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш; муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш; кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш;

в) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илгор усуллари жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармогини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

г) туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш соҳасида;

туризмни жадал ривожлантириш, ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш;

ички туризмни жадал ривожлантириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, зиёрат туризмни ривожлантириш;

туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикасини ривожлантириш, туризм соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

аҳолининг кенг қатламлари спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва шу орқали ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши кўрсаткичларини оширишни таъминлаш;

маданий соҳадаги ислохотларни жойларда амалга оширилишини таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни маданият муассасаларига жалб этиш ва маданий-оммавий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш;

ҳудудда оммавий ахборот воситалари, ахборот тарғибот соҳасини комплекс ривожлантиришни таъминлаш чораларини кўриш;

спорт соҳасида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, спортни оммавийлигини ошириш, қизлар ўртасида спортни ривожлантириш, барча ҳудудлар, айниқса энг чекка қишлоқларида халқаро талабларга жавоб берадиган моддий-техник базага эга замонавий спорт иншоотларини барпо этиш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

д) ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

академик лицейлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимооти юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илгор қўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғарақларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш,

ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш;

Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, тугма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташҳис қўйишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усулларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини

таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва кадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

худудда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

худудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт гоёларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, худудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминлаш;

тасарруфидаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқиш;

е) жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг вилоятда жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий кадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт гоёларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамгармасининг, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш;

ё) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида:

фуқаролар йигинларининг жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айланишини таъминлаш;

оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нуронийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;

огир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, шунингдек, уларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, арзон уй-жойлар олишига кўмаклашиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

жинойт содир этишга мойил бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш орқали хотин-қизлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш;

ФХД органлари билан ишлаш, оилани мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, тугилиш ва никоҳни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, тарғибот ва маърифат ишларини ташкил этиш;

концепциялар, давлат дастурлари ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан, ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йигинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни

мунтазам ташкил этиш, вилоят (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлаш;

фуқаролар йигинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йигинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

махалла фуқаролар йигинлари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотлари, фуқаролик жамиятлари институтлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

Ҳокимнинг ўринбосарлари қонун ҳужжатларига ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

17. Ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳокимнинг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрациясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, топшириқларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

бириктирилган соҳаларда давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилиши, шу жумладан, идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш йўли билан молиявий ресурсларни бошқариш масалаларида;

ҳудудлар саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ташкилотлар ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш;

маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, ҳудудий ташкилотлар ўртасида саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш.

18. Ҳокимнинг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрациясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бевосита ҳокимга йўлланган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари бажарилишини назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, топшириқларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил қилади;

ҳокимнинг номига тушган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказди, зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқларни (фишкарларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижрочиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон муносабатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳоким томонидан юкланган ва функционал вазифаларда назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

19. Ташкилий-кадрлар гуруҳи:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга оширади, кўриб чиқиладиган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлайди;

келгусида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ишларини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қилади;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қилади;

ҳокимларнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарлари билан биргаликда ҳокимлик аппарати кадрларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлайди;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, ҳоким раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар бўйича ҳокимликка юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва соғлигини муҳофаза қилишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усуллари, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан, уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боглиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

мудофаа қудратини таъминлаш, ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ҳисобга олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, бронга қўйиш масалалари бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатларда тегишли органларнинг ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ҳоким томонидан ўтказиладиган ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йигилишларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди;

ҳоким томонидан ўтказиладиган ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йигилишларни ташкил қилади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимни белгиланган муддатларда хабардор қилади;

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

22. Юридик хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПК-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва

ташкilotларининг юридик хизмати тўғрисида низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

23. Ахборот-таҳлил гуруҳи:

ҳокимликнинг иш режаси бажарилиши мониторингини ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

экспертиза натижалари бўйича ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида ҳокимга ахборот беради, ҳоким томонидан имзоланган ҳужжатларга виза қўяди ва уларнинг чиқарилишини ташкил этади;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссияларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатлар тайёрланишини таъминлайди;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларни ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳокимни уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида белгиланган муддатларда хабардор қилади;

бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда ҳокимнинг кўриб чиқиши учун ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни, шунингдек ҳокимнинг маърузалари ва нутқларини тайёрлайди;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ва сифатли тайёрлаш бўйича ҳокимнинг ўринбосарлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилади;

амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш ҳамда ҳокимликнинг фаолияти матбуот, радио, телевидение ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ҳолисона ёритилиши учун бошқарув аппаратининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолиятини янада тўлиқ ва ҳолисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

матбуот конференциялари, брифинглар ўтказиш, интервьюлар олишни ва ҳокимликнинг раҳбарияти ва ходимлари билан оммавий ахборот воситалари вакиллариининг бошқа учрашувларини ташкил қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолияти масалалари юзасидан жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари нуктаи назарини ўрганиш бўйича таҳлилий ишларни амалга оширади, ҳокимлик раҳбариятига ахборот бериш учун матбуотда эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлайди;

оммавий-ахборот воситалари билан ахборот-маълумотномаларни эълон қилиш ишларини амалга ошириш учун халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимлик фаолияти тўғрисидаги таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар маълумотларининг тизимлаштирилган банкини ташкил қилади;

Ахборот-таҳлил гуруҳи тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24. Ишлар бошқармаси:

бошқарма аппарати фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлашни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан ишлар сифатини яхшилашни амалга оширади;

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

ҳокимнинг ёрдамчиси ва ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда

кўриб чиқишни ташкил қилади, доимий равишда таҳлил қилиб, вилоят ҳокимига ахборот бериб боради;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига ва бошқа йигилишларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилади;

хокимликнинг фаолиятини молиявий-хўжалик ва моддий-техник таъминлашни ташкил қилади, ҳокимлик ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш тадбирларини амалга оширади, молия интизомига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ишлар бошқармаси тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

25. Ҳоким ўринбосарининг котибияти:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича ҳоким ўринбосари ишларини ташкил қилади;

хокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда котибият юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳалари кўриб чиқирилишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатдан ишлаб чиқирилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натижадорлиги тўғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истиқболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

ҳоким ва унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан, ҳар ҳафталик аппарат йигилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлайди;

Ҳоким ўринбосари котибияти тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи:

бизнесни юритиш, шу жумладан бизнесни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари бериш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва шу кабилар бўйича халқаро ташкилотларнинг тадқиқотлари доирасида баҳоланадиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда жорий этилиши мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил қилади;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилади;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлайди ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритади;

худудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

худуднинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, кичик бизнес субъектлари экспортига кўмаклашиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кичик бизнес субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

худуддаги тадбиркорлик субъектларининг чет давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этишига ҳамда чет давлатларда савдо уйлари ташкил қилишига кўмаклашади;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги, маҳсулот экспорти борасидаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни ва экспортни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи тўғрисидаги низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

27. Ижро интизоми назорати бўлими:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

28. Бошқарув аппарати таркибий бўлинмасининг раҳбари (котибият мудир, гуруҳ, хизмат раҳбари ва бошқалар):

таркибий бўлинмага бевосита раҳбарлик қилади, ўз ўринбосарларининг (мутахассисларнинг) ишларини ташкил қилади ҳамда бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

ўринбосарлар (мутахассислар) ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

ҳоким ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йигилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йигилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йигилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

29. Бош мутахассис (етакчи мутахассис, I тоифали мутахассис):

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратadbирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодийнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ҳоким ва/ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

30. Бошқарув аппарати бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари ва функциялари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.

31. Бошқарув аппаратини сақлаш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хоразм вилоят
хокимининг
2021 йил 20 сентябрдаги
97-12-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

**Ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг
функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосари)нинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳукуматининг ҳужжатларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунди.

Вилоят ҳокимлари биринчи ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари–иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари фаолияти натижадорлиги ушбу низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари туман ва шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштирилади.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

**2-боб. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг
асосий вазифалари ва функциялари**

8. Қўйилагилар вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудудларнинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш;

ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;

ҳудуднинг белгиланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишини таъминлаш;

иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

солиқ-бюджет сўғатишга қатъий риоя этилишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, “ҳуфиёна иқтисодиёт”ни камайтириш чораларини кўриш;

хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиб, ҳудудда бўлиб турган ва қурилиши тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланишни таъминлаш;

ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш.

9. Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ҳудудларнинг комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларида белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари лойиҳалари, ҳудудни комплекс ривожлантириш дастурлари ҳамда “Йўл хариталари”нинг тайёрланишини таъминлаш этиди ва ижросини таъминлайди;

республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш чораларини кўради;

иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантириш дастурларининг молиявий манбаларини аниқлаган ҳолда маҳаллий бюджет параметрлари билан ўзвий боғлиқ тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлайди;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш борасида тегишли вазирлик, идора ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятининг аниқ кўрсаткичлари ҳамда мақсадли индикаторларини ишлаб чиқади, натижаларини баҳолаб боради ва уларни яхшилаш чораларини кўради ҳамда раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартириш борасида мақбул сиёсатни амалга ошириш тизимини жорий этади;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш чораларини кўради;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, нароҳ конъюнктурасини ўрганади ва таҳлил қилади, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда улар янги бозорларда сотилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

б) ҳудудларда “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:

ҳудудда “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича комплекс тадбирларни амалга оширади;

маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари”ни(ихтисослашув йўналишларини) аниқлаш ва янги тадбиркорлик, шу жумладан “драйвер” лойиҳаларини амалга оширишда ташаббускорларга қўмаклашадива шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлайди;

оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан томорқа ерларидан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган иштироки ва эҳтиёжларини “хонадонбай” ўрганади;

банд бўлмаган аҳолининг, айниқса ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали, уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шугулланиш борасида амалий қўмаклашади;

ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари, стартап лойиҳалари ва ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ажратилишида қўмаклашиш;

мавжуд имкониятларни (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари, норуда фойдали қазилмалар ва бандликнинг анъанавий соҳалари) ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали жойларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш чораларини кўради;

банкларнинг самарадорлик ва даромадлилик тамойилларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга сифатли хизмат кўрсатиш, маслаҳат бериш ва бизнес-режаларни тайёрлаш учун банкнинг қуйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш орқали мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш (“мижозбай” ишлаш) тизимини такомиллаштириш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширади;

жойларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тўсиқ бўлаётган (қурилиш учун рухсат бериш, турли хил фаолиятлар учун лицензия олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик учун ажратиш, коммуникация тизимларига уланish) муаммоларни тезкорлик билан ҳал этади;

маҳаллаларда тадбиркорлик, инвестициявий ва рақобат муҳитини яхшилаш ҳамда “драйвер” лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳар бир секторлар ҳузурида сектор раҳбарлари бошчилигида ташкил этилган бошқарув офислари ва доимий вакилларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

в) ҳудудларнинг белгиланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш соҳасида:

ҳудуднинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрлари асосланган ҳолда ишлаб чиқишнинг таъминлайди;

ишлаб чиқилган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг самарали ижросини таъминлайди;

дебитор-кредитор қарздорликлар юзага келишининг олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга оширади, қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этади;

з) иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида:

тегишли вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини доимий назорат ва таҳлил қилади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чораларни белгилайди ва ижросини таъминлаш чораларини кўради;

банк тизими ва молиявий инфратузилмани янада ислоҳ қилиш, умумий қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ҳамда баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ уларнинг барқарорлигини ошириш ва янада юқори даражага чиқишнинг таъминлайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

аҳолини тадбиркорликка фаол жалб қилиш мақсадида улар билан тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари ўртасида тизимли мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни тақдир қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш чораларини кўради;

молиявий ва сугурта хизматларининг ҳажмлари, турларини кенгайтириш ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини комплекс таҳлил қилади;

д) солиқ-бюджет сиёсатида қатъий риоя этилишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, “хуфийна иқтисодиёт”ни камайтириш чораларини қўриш соҳасида:

ҳудудлар бўйича республика бюджети ва маҳаллий бюджетга белгиланган солиқ тушумлари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлайди;

“хуфийна иқтисодиёт”ни қисқартириш, ноқонуний тадбиркорлик билан шугулланаётган фуқароларни ҳамда хусусий секторда норасмий бандликни легаллаштириш орқали бюджет тушумларини ошириш чораларини кўради;

ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб бюджет тушумларини кўпайтириш йўналишларини ишлаб чиқиш, бюджетга қўшимча тушум тушириш манбаларини излаб топиш чораларини кўради;

тегишли бюджет лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ижро этиш жараёнини таъминлайди ҳамда мувофиқлаштириб боради;

вилоят маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари тегишлича халқ депутатлари Кенгашларига кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун тақдим этилишини таъминлайди;

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга пасайтирувчи ва ошиб боровчи коэффициентларни киритиш тўғрисида ҳудудларнинг фаолиятни амалга ошириш жойининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда қарорлар тайёрлайди ва қабул қилиш чораларини кўради;

е) хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, ҳудудда бўлиб турган ва қурилиши тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасида:

ҳудуддаги бўлиб турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни хатловдан ўтказиш, улардан самарали фойдаланиш, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар олиш шарти билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

хусусийлаштириш жараёнларини бошқариш самарадорлигини ошириш, инвесторлар, жумладан, хорижий инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш ва хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш соҳасида таклифлар тайёрлайди;

ҳудуддаги давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилишини, ушбу корхоналар фаолиятининг самарадорлиги учун уларни бошқариш органлари масъулиятини оширишни таъминлайди;

хорижий ва халқаро институтлар ҳамда компаниялар билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, шу жумладан уларнинг жозибадорлигини ҳамда бошқариш сифатини оширишни назарда tutувчи самарали механизмларини ўрганиш ва жорий қилишга қаратилган доимий ишлар юритилишини таъминлайди;

ҳудудда жойлашган давлат иштирокидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириш ишларини мувофиқлаштиради, самарали ва ошқора хусусийлаштиришни таъминлайди;

ж) ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш соҳасида:

ҳудудда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини ошириш ҳудудий дастури ишлаб чиқишнинг таъминлаш, аҳолининг турмуши сифати ва фаровонлиги даражасини янада ошириш дастурларини шакллантиради, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимларини кучайтириш чораларини кўради;

демографик омиллар ва иқтисодий ривожлантириш истикболларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг илғор шаклларини жорий этишга йўналтирилган аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий дастурларини шакллантириш, пенсионерлар, ногирон шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий гурuhlарини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир манзилли дастурлар ва самарали тадбирларни ишлаб чиқиш бораида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишнн мувофиқлаштиради;

бандлик, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, моддий рағбатлантириш механизмларини ва меҳнатни муҳофаза қилиш шарoитларини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли дастурлар, қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари амалга оширилишини назорат қилади;

з) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида:

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш, ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш дастурларини ишлаб чиқали ва амалга оширади;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш чораларини кўради;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш юритиши учун уларни тегишли ресурслар билан таъминлаш чораларини кўриш, уларнинг банк кредитларини олиш, энергия тармоқларига уланиш ва бошқа шу каби муаммолари ечими юзасидан чоралар белгилайди ва ижросини доимий назорат қилиб боради;

чакана ва улғуржи савдони, хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, аҳолини истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш чораларини кўради;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек, давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шаклларини жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳудудлардаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига тушган мурожаатларни ҳал этишда тезкор амалий ёрдам кўрсатади;

давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этиш чораларини кўради;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этади;

и) аҳолининг турмуш даражасини ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари белгиланган тартибда кўриб чиқишнинг таъминлайди, уларда қайд қилинган муаммолар ҳал этилиши юзасидан тегишли чораларни белгилайди;

нафақалар, аҳолининг реал даромадларини барқарор ошириш манбаларини яратиш чораларини кўради; замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига тўловларни ўз вақтида амалга оширишнинг янги механизми ва тизимини жорий қилади;

янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали уларнинг турмуш даражасини ва сифатини ошириш чораларини кўради.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари қуйидаги кўпимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматнинг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлайди;

иқтисодиёт ва тадбиркорлик йўналишларида ислохотларни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиб боради, уларнинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиши ва ҳокимлик йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини тизимли асосда таъминлайди;

худудда бўш турган ва қурилиш тугалланмаган объектлардан самарали фойдаланиш, уларга инвестицияларни кенг жалб этган ҳолда давлат ишгиросидаги корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириш чораларини кўради;

туман ва шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали ва натижалли бажарилиши учун уларнинг **шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўради ҳамда йил якунилари бўйича уларнинг фаолиятини баҳолаб боради**;

тегишли комиссияларга (кенгашлар, гуруҳлар) самарали раҳбарлик қилади, комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этади ва қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

белгиланган тартибда ўзларига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

худудни иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасида комплекс ривожлантириш бўйича қарорлар, дастурлар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш;

худуднинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини ишлаб чиқиш, ижросини доимий таҳлил қилиб бориш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш;

иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини доимий назорат ва таҳлил қилиш;

вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари, туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг иқтисодий-ижтимоий ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича ҳисоботларини муҳокама қилиш;

Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш борасида тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда улар фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлаш юзасидан зарур чораларни кўриш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иш юритиши учун тегишли ресурслар билан таъминлаш чораларини кўриш, уларнинг ўз фаолиятини бошлашлари учун белгиланган тартибдабанк кредитларини олиш, электр энергияси тармоқларига уланish ва бошқа шу каби муаммоларини ҳал этиш юзасидан чоралар белгилаш ва ижросини назорат қилиш.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларида ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони**, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПК-2881-сон ҳамда **“Igo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарорларининг**дек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосарлари ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, ушбу низомга мувофиқ, вилоят ҳокимининг чораклик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалари асосида вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади ҳамда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

13. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг ҳисоботи вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида ҳар ҳафтада эшитаб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг тегишли ҳисоботлари халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

14. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари фаолиятини таъминлаш котибият томонидан амалга оширилади.

РУЙХАТИ

- Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари томонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг
ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ**

- Ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги низомга илова

Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари –
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғининг _____ йилда иш
самарадорлигини баҳолаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

[illegible]

[illegible]

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	Маҳаллий бюджет прогнозининг орттириб бажарилган қисмидан тегишли жамғармаларга маблаг жамлаган ҳолда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга кўрсатилган ёрдам миқдори	млрд сўм										
	Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори	млрд сўм										
	“Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида “драйвер” лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилган кредитлар миқдори	млрд сўм										
	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларaro ягона электрон тизими орқали ижроси таъминланган топширик ва вазифалар сони	та										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (қаноатлантирилган мурожаатлар улуши)	та										
Тадбиркорлик субъектларидан Бош вазир қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларининг очиқлиги кўрсаткичлари												
	Вилоятлар ҳокимларининг тадбиркорлик ва иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари ташаббуси билан ҳудудий Бош вазир қабулхоналари иштирокида ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллар натijasида келиб тушган мурожаатлар сони	та										
	Ҳудудий Бош вазир қабулхоналарига келиб тушган ваколатли органлар томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши таъминланган жами мурожаатлар сони	та										
	Ҳудудий Бош вазир қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлардан ижобий ҳал этилган мурожаатларининг сони	та										

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инобатга олинади

Ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимининг, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари, (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимларининг ўринбосари)нинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг ҳужжатларига, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва

топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикасининг **Президенти олдида шахсан жавобгар** ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади.**

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолияти натижадорлиги **ўшбв низомга иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланади.**

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишли туман ва шаҳар ҳокимининг, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари фаолиятини мувофиқлаштиради.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифаларива функциялари

8. Қўйидагилар вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

капитал қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектиларни қуриш ишларининг сифатини янги даражага кўтариш;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига ҳослиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни комплекс ҳамда жадал ривожлантириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имконини яратиб учун телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимлари, шунингдек, почта алоқаси ва архив объектиларининг самарали фаолиятини ташкил этиш;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш;

аҳолининг сифатли коммунал хизматлар билан камраб олинишини тўғридан яхшилаш, кўп квартирали уй-жой фондида фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, ҳудуднинг санитария ва экологик вазиятини яхшилаш;

давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш ва чегарабўйи муаммоларини ҳал қилиш ҳамда аҳолини ва ҳудудларни тошқинлар, сел оқимлари, қор кўчиш ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) капитал қурилиш индустрияси соҳасини жадал ривожлантириш, ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектиларни қуриш ишларининг сифатини янги даражага кўтариш соҳасида;

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ амалга ошириладиган шаҳарсозлик фаолияти, шунингдек, капитал қурилиш ва пудрат ишлари соҳасида ислохотлар ва сиёсатнинг амалга оширилишини тизимли ҳамда комплекс ўрганишни ташкил этади;

шаҳарсозлик фаолиятида ва капитал қурилишда, шунингдек, муҳим объектилар, шу жумладан ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектилари қурилишида пудрат ишларини ташкил этиш соҳасида мониторингни таъминлайди, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш чораларини кўради;

Ижтимоий ва инфратузилмани ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар (объектилар) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш, тендер жараёنларини очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтказиш ҳамда молиялаштиришни ўз вақтида очиб ишларини ташкил қилади;

Ижтимоий ва инфратузилмани ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар (объектилар) доирасида бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни ташкил қилади;

ҳар йили қабул қилинадиган Ижтимоий ва инфратузилмани ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини шакллантириш жараёнида ҳудуддаги мавжуд ҳолатни тўғри ва тўлиқ таҳлил қилган ҳолда, ваколатли органларга асосланган таклифлар киритиб боради;

Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириш жараёнида йирик инвестиция лойиҳаларини керакли инфратузилма объектилари билан таъминланганлик даражасини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда таҳлил қилиб, асосланган таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади;

шаҳарларда ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қуриш дастурий ҳужжатларини амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

Йирик ихтисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотларини шакллантириш дастурини амалга ошириш, пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш ҳамда қурилиш-пудрат ташкилотларининг реестрини юритиш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳудудий давлат органлари ва ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, ҳоким ўринбосари ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳукумат комиссиялари ва кенгашлар қарорларига риоя этилишини назорат қилади;

ваколатли давлат органларини жалб қилган ҳолда, объектиларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли тайёрлаш ва аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятининг мониторингини олиб борилишини ва назорат қилинишини ташкил этади;

объектиларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашда техник шартлар ва регламентларга риоя этилиши, буюртмачилар (қурувчилар) томонидан лойиҳалаштириш, қурилиш сифати юзасидан техник назорат, шунингдек, муаллифлик назоратининг амалга оширилиши ҳолатини ўрганади;

қурилиш-монтаж ишлари ва зарур архитектура-қурилиш назорати сифати юзасидан қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш объектиларининг тизимли мониторингини амалга оширади ҳамда натижалари бўйича объектиларда қурилиш-таъмирлаш ишларидаги мавжуд қолоқликларни бартараф этиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда объектиларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш юзасидан чоралар кўради;

қурилишда илғор технологиялар ва замонавий маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда, янги конструктив ечимлар қўлланилишини ўрганади ва таҳлил қилади, қурилишнинг юқори сифатини ва таннархини

пасайтиришни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

қурилиш тармогини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, салоҳиятли хорижий инвесторларни кенг жалб этган ҳолда, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга замонавий ишгор, энергиядан самарали фойдаланадиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, шу асосда тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш, шундай маҳсулотларни импорт қилишни босқичма-босқич қисқартириш ишларини ташкил этади;

б) “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни комплекс ва жадал ривожлантириш соҳасида:

қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси ҳамда ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш ва дунёқарашини кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича ҳар йилги тасдиқланадиган асосий параметрларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар белгилайди;

в) замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имконини яратиш учун телекоммуникация тармоқлари ва ахборот тизимлари, шунингдек, почта алоқаси ва архив объектларининг самарали фаолиятини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ва “Почта алоқаси тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ аҳоли масканлари, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш ҳамда ривожлантиришда белгиланган нормативларга мувофиқ телекоммуникация воситалари ва почта алоқаси объектларини жойлаштириш назарда тутилишини таъминлайди, телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси объектларида рўй берган ҳодисалар оқибатларини бартараф этишда қўмаклашади;

иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада оширади;

“Хавфсиз шаҳар” лойиҳасини жорий этиш доирасида тизимни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ давлат ва идоравий архивлар ҳужжатларининг сақланиши учун тегишли даражадаги шарт-шароитларни таъминлаш, уларнинг ҳолати бўйича давлат назоратини амалга ошириш чораларини қўради ва архивларни молиялаштириш миқдорини аниқлайди;

г) транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, таъинишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида:

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этади;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасининг фаолияти масалаларида давлат органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

рақобат муҳитини шакллантириш, соҳага давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш, транспорт хизматлари бозоридан тенг фойдаланилишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги корхоналарда корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни ташкил этади;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежашга доир ташкилий-техник тадбирлар ва энергия сарфини камайтириш тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини ривожлантириш ҳудудий дастурларини махсус ваколатли орган билан келишган ҳолда ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқлар ва овулларнинг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини махсус ваколатли орган билан келишган ҳолда ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, қишлоқларнинг ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш, сақлаш (шу жумладан, ёритиш тизимларини ўрнатиш), ободонлаштиришни ташкил этади ҳамда ҳисобини юритади;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларининг, қишлоқлар ва овулларнинг йўл-транспорт ва йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантиришни давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида амалга оширади;

д) аҳолининг сифатли коммунал хизматлар билан қамраб олиншини тубдан яхшилаш, қўн квартиралар уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини такомиллантириш, ҳудуднинг санитария ва экологик вазиятини яхшилаш соҳасида:

коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этади;

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвестициялар ва инновацион гоялар, технологияларни жалб этиш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларини давлат-хусусий шериклик асосида ишончли бошқарувга бериш учун шарт-шароитлар яратади;

аҳоли пунктларини ривожлантириш схемаларига ва бош режаларига мувофиқ сув таъминоти, канализация объектларини ривожлантириш, модернизациялаш ва реконструкция қилишга доир дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларини мувофиқлаштиради;

ҳудуддаги давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари билан биргаликда уй-жой коммунал хўжалиги объектларини замонавий ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозлашни, қурилиш-монтаж ишлари таннархини пасайтиришни таъминловчи замонавий ва сифатли маҳаллий қурилиш материалларини кенг қўллашни назарда tutuvchi амалий механизмлар ҳамда чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш давлат дастурларини амалга ошириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, кўп квартиралли, шў жумладан эскирган ва авария ҳолатидаги уй-жойлар ҳолатини хатловдан ўтказиш ишларини мувофиқлаштиради;

кўп квартиралли уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш, кўп квартиралли уй-жой фондини сақлаш, улардан фойдаланиш, кўп квартиралли уйлардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидалари талабларига риоя этилишини назорат қилади;

иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштиришга доир дастурий ҳужжатларнинг сифатли бажарилишини назорат қилади, ушбу соҳа ташкилотларининг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва бошқарилишини таъминлайди;

уй-жой коммунал соҳа учун кадрлар тайёрлаш, хорижда ўқув стажировкалари ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, дастурий маҳсулотларни, илоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини жорий этиш юзасидан тақлифлар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш доирасида табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари, давлат органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ҳудудда санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш, чиқиндилар ҳосил бўлишини қисқартириш ва ҳўжалик фаолиятига жалб этилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши, шунингдек, биологик ресурсларни сақлаш, қайта тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган узоқ, ўрта ва қисқа муддатли ҳудудий экологик дастурларни ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштиради;

каналларни санитар тозалашни комплекс ва тубдан яхшилаш, каналларга туташ ҳудудларни санитария, экологик норма ва қоидаларга мувофиқ ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ҳамда қирғоқ бўйларида замонавий ландшафт меъморчилиги усулларини қўллаган ҳолда рекреацион ҳудудларни шакллантиради;

е) давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш ва чегарабўйи муаммоларини ҳал қилиш ҳамда аҳолини ва ҳудудларни топиқлар, сел оқимлари, қор кўчини ва ер кўчки ҳодисалари билан боглиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг чегарабўйи ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган вазиятнинг ҳар томонлама ва чуқур ўрганилишини ташкил этади, давлат чегарасини муҳандислик-техник жиҳатдан жиҳозлаш билан боглиқ комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;

топиқин сувлари ва сел оқимларини хавфсиз ўтказиш имкониятларини баҳолаш ҳамда дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш жойини, ҳажминини ва бошқа шарт-шароитларини, сув оқимлари бўйлаб жойлашган сув ҳўжалиги ва бошқа ижтимоий объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш бўйича устувор ҳимоялаш ишларини белгилайди;

сув оқимлари орқали топиқин сувлари ва сел оқимларининг барқарор ва хавфсиз ўтказилишини таъминлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни шакллантиради ҳамда уларда белгиланган тадбирларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари қуйидаги кўпимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳудудни, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал ҳўжалик соҳаларини ривожлантиришнинг ўта муҳимва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “Йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этади ва ижросини таъминлайди;

соҳалар ва йўналишларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб боради, уларнинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиши ва ҳокимлик ййғилишларида муҳокама қилиб борилишини тизимли асосда таъминлайди;

капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал ҳўжалик масалалари бўйича тегишли вазирлик, идора, тијорат банклари ҳудудий тузилмаларининг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эрипишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди;

тегишли вазирлик, идоралар, кўмиталарининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига юкланган вазифа ҳамда функциялар самарали ва натијали бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўради;

ҳокимнинг топшириқларига биноан ўзига бириктирилган йўналиш бўйича ҳудуд ва тармоқларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари ва дастурлари бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

ҳудудда маъмурий ва иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натијадорлигининг тизимли мониторинги олиб борилишини ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек, муаммолар масалаларни ҳал этиш, уларни ривожлантиришнинг истикболли вазифаларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ташкил этилишини таъминлайди;

давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш масалалари бўйича Ҳукумат делегациясининг ййғилишлари ва тадбирларида иштирок этади;

давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегарабўйи муаммоларини ҳал қилиш, нолегал миграция, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотлар олиб кирилишининг олдини олиш масалалари билан боглиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширади;

туман ва шаҳар ҳокимларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал ҳўжалик масалалари бўйича ўринбосарларига юкланган вазифа ҳамда функцияларнинг самарали ва натијали бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулиятива жавобгарлигини ошириш чораларини кўради ҳамда йил якуни бўйича уларнинг фаолиятини баҳолаб боради;

тегишли комиссияларга (кенгашлар, гуруҳлар) самарали раҳбарлик қилади, вилоят ҳокими раҳбарлик қиладиган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этади ва қарорларининг бажарилиши бўйича назоратни таъминлайди;

белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик соҳасида ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича қарорлар, дастур ва “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

капитал қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, жумладан, ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектларини қуриш ишларини ҳар йилги мақсадли параметрларини ишлаб чиқиш, ижросини таҳлил қилиб бориш, мавжуд муаммолар ечими юзасидан тезкор чоралар қўриш;

капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталарнинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини доимий назорат ва таҳлил қилиш;

вазирлик, идора ва қўмиталарнинг ҳудудий тузилмалари, туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича ҳисоботларини муҳофаза қилиш;

ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, канализация объектларини ривожлантириш, модернизациялаш ва реконструкция қилишга доир дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, коммунал соҳа ташкилотларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини ташкил этиш;

кўп квартиралли уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, коммунал соҳа ташкилотларини давлат-хусусий шериклик асосида ишончли бошқарувга бериш ҳамда ҳудудда санитария ва экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш бўйича ваколати доирасида зарур чораларни қўриш;

шаҳарлар ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бўйича тасдиқланган дастурлар ижросини таъминлаш, шунингдек, пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларида ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг тегишли равишда ҳамда самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ҳамда “Tjro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

12. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ишлари Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу низомга мувофиқ, вилоят ҳокимининг чораклик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалар асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

13. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботлари вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида ҳар ҳафта эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоятлар ҳокимлари ўринбосарининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

14. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни қўриш Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолияти тегишли котибият томонидан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан фаолияти мувофиқлаштириб бориладиган давлат ва органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ

1. Қурилиш бош бошқармаси.
2. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси.
3. “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
4. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси.

[illegible]

31.	Истеъмолчиларга ўрнатилган замонавий электр ҳисоблагичлар (АСКУЭ) сони	бирлик
32.	Истеъмолчиларга ўрнатилган замонавий газ ҳисоблагичлар (АСКУГ) сони	бирлик
33.	Ичимлик суви истеъмолчиларига ўрнатилган замонавий ҳисоблагичлар сони	бирлик
34.	Иссиқлик тизимини ривожлантириш; алмаштирилган ва мукаммал таъмирланган иссиқлик тармоқлари узунлиги;	км
35.	қурилган, реконструкция қилинган ва мукаммал таъмирланган қозонхоналар сони;	бирлик
36.	алмаштирилган ва мукаммал таъмирланган қозонлар сони	бирлик
37.	Кўп қavatли уй-жой фондидан сақлаш; таъмирланган кўп qawatли uйлaрининг том қисми;	минг метр кв
38.	фасад қисми таъмирланган кўп қavатли uйлaр cони;	дона
39.	кўп қavатли uйлaрининг таъмирланган кириш йўлакляри (подьезди) сoни;	дона
40.	кўп қavатли уй олдидағи бетон билан қопланган йўлак (тротуар)лар;	минг метр кв
41.	таъмирланган ички мухандислик тармоқляри ва коммуникацияляри сони;	дона
42.	қурилган болалар майдончалари сони	бирлик
43.	Коммунал тўловлардан қарздорликлярни қискартириш: ичимлик ва оқава сув хызматляридaн;	млн сўм
44.	иссиқлик таъминотидан	млн сўм
45.	электр энергиясидан	млн сўм
46.	табийий газ таъминотидан	млн сўм
47.	чикиндини олиб чиқиб кетиш хызматидан	млн сўм
48.	Ширкатлярыннг кредитор қарздорликлярини қискартириш	млн сўм
49.	Алоқа ва аҳборотлаштириш тизими́ни ривожлантириш: қурилган ва таъмирланган алоқа тармоқляри узунлиги;	км
50.	қурилган ва модернизация қилинган базавий станциялар сони	бирлик
51.	Қишлоқ ва маҳаллялар кўчaлярини ободонлаштириш: қурилган пиёдалар йўлакляри (тротуар) узунлиги;	км
52.	Ўрнатилган туңги кўча ёритиш тизими сони	бирлик
53.	"Tjgo.gov.uz" ижро интизомидораларaro ягона электрон тизими орқали ижроси таъминланиши зарур бўлган топширик ва вазифаляри ижросини таъминлаш	бирлик
54.	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (қанoатлантирилиган мурожаатлар улushi)	фоиз

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инobatга олинади

Ҳоким ўринбосари – вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимининг ўринбосари)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатларига, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва тошпирикларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.**

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазирни томонидан мувофиқлаштирилади.**

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолияти натижадорлиги **ушбу низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади.**

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиқлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қўйилади вилоят ҳокимлари ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:
инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштириш;

ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари, номенклатураси ҳамда географиясини кенгайтириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш;

эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

кичик саноат зоналарининг самарали фаолиятини ташкил этиш, уларда рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантириш.

9. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштириш соҳасида:

инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди;

инвестиция фаолияти йўналишида ҳудудда бошқарув тизимини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш соҳасида ҳудудда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, хорижий инвесторларни ҳудуднинг имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни рағбатлантиради;

инвестиция дастурларини, жумладан ҳудудий дастурларни шакллантириш, жалб этилган маблағларни ўзлаштириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

ҳар ҳафтанинг чоршанба кўни ҳудуд бўйича “Инвестиция кўни” тадбирларини ўтказиш ишларини ташкил этиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш, салоҳиятли инвесторларни аниқлаш ва улар билан музокаралар ўтказиш, инвесторларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича тизимли ишларни олиб боради;

инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолиятини, инвестор томонидан ўзининг инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилишини таҳлил қилиш, хорижий инвестициялар иштирокида инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қўриш орқали жалб этилаётган хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш,

инвестиция дастурларини амалга оширишнинг сифат ва самарадорлик мезонларига асосланган баҳолаш тизимини амалда татбиқ этади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчилари ва консуллари билан яқин ҳамкорликда ҳудудда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, ишлар (хизматлар) экспортини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва илғор технологияларини жалб этиш, ҳудуднинг савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва илмий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш ва янгилаш жараёнини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яратилган инвестиция муҳити, шу жумладан инвестиция киритиш жараёнининг асосий тартиб-таомили масалалари, шунингдек, амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция таклифлари тўғрисидаги ахборотни салоҳиятли инвесторлар ва кредиторларга етказиш;

хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш борасида лойиҳа институтлари ҳамда республика ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этади;

ҳудуднинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва инвестицияларга бўлган эҳтиёжи, олдиндан ҳисоб-китоб қилинган аниқ лойиҳалар ҳамда салоҳиятли инвесторлар учун қизиқиш уйғотадиган бошқа ахборот акс эттирилган ҳудуднинг интерфаол инвестиция харитасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг фаолиятини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради;

молиялаштиришнинг турли манбалари, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан ҳудуднинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳасини юксалтириш ҳамда мувозанатли ривожлантириш суръатларининг инвестиция ресурсларига бўлган эҳтиёжлар билан боғлиқлигини таъминлашга доир таклифларни ишлаб чиқади;

инвестиция дастурлари доирасида маблаглар жалб этилиши ҳамда ўзлаштирилиши бўйича белгиланган прогноз параметрларнинг бажарилиши учун тизимли ва қатъий назоратни ташкил қилиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда мониторинг довомида аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган инвестиция лойиҳалари бўйича маълумотлар базаси яратилишини, юритилишини ҳамда мунтазам янгиланишини таъминлайди;

б) ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари, номенклатураси ҳамда географиясини кенгайтириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш соҳасида:

ҳудуднинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш, корхоналарнинг, шу жумладан кичик ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

ҳудудий экспорт штабларининг фаолиятини бошқаради, ҳудудий корхоналарнинг экспорт маҳсулотлари ва экспортчилари бўйича маълумотлар базасининг юритилишини таъминлайди, маҳаллий корхоналарга экспортни ташкил этишда қўмаклашади;

ҳудудий корхоналар экспорт прогнозининг бажарилиши ҳолати бўйича мониторинг олиб бориш, бунинг асосида уларнинг экспорт фаолиятини таҳлил қилиш ва корхоналар экспортини жадаллаштириш ва рағбатлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқади;

ҳудудий корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ўрганиш асосида уларнинг мавжуд экспорт захираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этади;

ҳудудий корхоналарга экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича савдо-саноат кўргазмалари, ярмаркалар, форумлар, тақдимотлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштирок этишда қўмаклашади, шундай тадбирларни ҳудудда ташкил этади ва ўтказиш;

экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, тижорат банкларининг экспортдаги кредитлари бўйича компенсация тақдим этишни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

в) илмий ва илмий-техник фаолиятни амалга ошириш, илмий-техник ва инновацион ривожланишини таъминлаш соҳасида:

ҳудудда илмий ва илмий-техник фаолиятни амалга ошириш, илмий-техник ва инновацион ривожланишни таъминлаш учун қулай шарт-шароитларни яратади, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтиради;

ҳудудда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни кучайтириш асосида ҳудуднинг илмий салоҳиятини ва инновацион ривожлантиришга қаратилган изчил чора-тадбирларни амалга оширади;

инновацион лойиҳалар-стартлапларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ўзлаштириш, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш ва тижоратлаштиришни амалга оширувчи инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар марказлари билан ҳамкорликда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инновациялар ва илғор юқори технологияларни жорий қилиш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ҳудуднинг барча туманларида инновацион фаолиятни юритиш, янги инновацион технологияларга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

илм-фан соҳасини ва инновацион ривожлантиришга доир ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилиши юзасидан назорат ўрнатиш, шунингдек, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган илмий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур инвестицияларни жалб этади;

ҳудудда инновацион инфратузилмани шакллантириш, шу жумладан ихтисослаштирилган илмий-тажриба ташкилотлари, юқори технологиялар марказлари ва технологик парклар фаолиятини самарали йўлга қўйишни таъминлайди;

ёшларни илм-фан ва инновацион фаолиятга жалб қилиш, ёш олимларнинг илмий ва инновацион ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни олиб боради;

республика олимларининг илмий-амалий ва инновацион лойиҳалари ҳамда ишланмалари учун хўжалик юритувчи субъектларнинг буюртмалари портфелини шакллантиради;

д) эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ҳамда экспортбон ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шароитлар яратиш соҳасида:

худудда эркин иқтисодий зоналар маъмурий кенгашлари ва дирекцияларининг, жумладан, **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштиради** ҳамда самарадорлигини таҳлил қилади, эркин иқтисодий зоналарнинг маъмурий кенгашларига ташкил бозорларда талаб бўлган ва импорт ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташқил этишга қўмаклашади;

саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасида янги замонавий ишлаб чиқаришларнинг ташқил этилиши, шу жумладан маҳаллий хомашё ва материаллар негизида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича худуддаги эркин иқтисодий зоналарда жойлаштирилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторинги олиб борилишини ва таҳлил қилинишини ташқил этади;

инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилишда, эркин иқтисодий зоналар худудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда иштирак этади;

эркин иқтисодий зоналарни, худуднинг мавжуд ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, **маҳаллий хомашё ва материалларни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш** ҳамда улардан фойдаланиш асосида уларда юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган лойиҳаларни **янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва дастурларни шакллантиради**;

эркин иқтисодий зоналар худудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспортга етказиб беришни қўпайтириш мақсадида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда киритади;

е) кичик саноат зоналарининг самарали фаолиятини ташқил этиш, уларда рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантириш соҳасида:

кичик саноат зоналари маъмурий кенгашлари ва дирекцияларининг, жумладан, маҳаллий тадбиркорлик субъектларини жалб этиш масалаларида фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда самарадорлигини таҳлил қилади, кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашларига рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришни ташқил этишда қўмаклашади;

кичик саноат зоналарини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни ва маҳаллий инвесторларни жалб этишда қўмаклашади, зарур инфратузилма объектларини ривожлантириш орқали улардан самарали фойдаланишни таъминлайди;

худудлардаги фойдаланилмаётган корхоналар негизида ва бўш турган ер участкаларида ташқил этилган кичик саноат зоналарига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши мониторинги олиб борилиши ва таҳлил қилинишини ташқил этади;

кичик саноат зоналари худудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича дастурларни ишлаб чиқишда иштирак этади;

кичик саноат зоналари фаолиятини самарали ташқил этиш, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўпайтириш учун қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда киритади;

кичик саноат зоналарининг самарали фаолиятини ташқил этиш, уларда рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни таъминлайди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари қуйидаги қўшимча функцияларни амалга оширади:

инвестиция дастурларини амалга оширишда, жумладан, худудий дастурларни шакллантириш, **хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш** соҳасида худудда давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларининг худудий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

хорижий инвестицияларни жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва преференциялар бериш, тадбиркорлик субъектларига экспортда қўмаклашиш соҳасида вазирликлар, идоралар, республика ташкилотларининг худудий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

худуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, худудий корхоналар маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари, номенклатураси ҳамда географиясини кенгайтириш бўйича манзилли дастурлар қўрсаткичларининг ижросини таъминлайди;

ёшларни илм-фан ва инновацион фаолиятга жалб қилиш, **илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни қучайтириш** ҳамда инновациялар ва илғор юқори технологияларни жорий қилиш учун зарур шарт-шароит яратади;

худудда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни ва маҳаллий инвесторларни жалб этишга қўмаклашиш, уларда зарур инфратузилма объектларини ривожлантириш орқали самарали фойдаланишни таъминлайди;

олий ва юқори даражадаги таширфлар яқунлари бўйича амалий тадбирлар режаларининг (“йўл хариталари”) бажарилишини таъминлайди ва тизимли назоратини олиб боради;

инвестициялар, экспорт ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш масалаларида **сайёр (очик) мажлисларни тизимли ўтказиш**.

3-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ҳамда маълумотларни давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш, ваколати доирасига қирувчи соҳаларнинг самарали ишлаши ҳамда уларни ривожлантириш бўйича тегишли давлат бошқаруви органларига қўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

бириктирилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бирлашмаларининг худудий тузилмаларининг мажлисларида, шунингдек, вилоят ҳокими топшириқлари бўйича – бошқа давлат органларининг,

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар ҳудудий тузилмаларининг ўзи юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

олий ва юқори даражадаги тапширлар яқунлари бўйича амалий чора-тадбирлар режаларига (“йўл харита”ларига) киритиш учун бириктирилган ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, тегишли тармоқ корхоналари ва ҳудудларнинг муаммоли масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

давлат бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда вакилларини ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинча ишчи гуруҳлар тузиш.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларида ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг тегишли равишда ва самарали **бажарилиши учун шахсан жавобгардир.**

Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони.** “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва тошпириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ҳамда **“Ito.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон** қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

12. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу низомга мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг чораклик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалар асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқиладиган ҳамда вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

13. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботи вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида **ҳар ҳафта** эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарининг тегишли ҳисоботлари халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

14. Вилоят ҳокимлари ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эриштирилиши баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги** низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти тегишли котибият томонидан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ

1. Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси.
2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг ҳудудий бошқармаси.
3. Вилоятлар ва шаҳарлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари.
4. Эркин иқтисодий зоналар, ихтисослаштирилган технопарклар дирекциялари, ҳудуддаги илмий ташкилотлар, ҳудудда ташкил этилган инновацион марказлар ва инновацияларни трансфер қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар.
5. Кичик саноат зоналари дирекциялари.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари томонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси – инвестиция ва экспорт масалалари бўйича.
2. Ташқи ишлар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари – тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари бўйича.
3. Қурилиш бош бошқармаси – инвестиция лойиҳалари экспертизаси масалалари бўйича.
4. Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси – экспортни қўллаб-қувватлаш ва импортни оптималлаштириш юзасидан.
5. Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари – хусусийлаштириш ва давлат мулки объектларига инвестициялар жалб қилиш ва бошқа юкланган вазифалар доирасида.
6. Тижорат банкларининг ҳудудий филиаллари – инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда олий ва юқори даражалардаги тапширлар яқунлари бўйича амалий тадбирлар режаларини (“йўл харита”лари) ишлаб чиқиш ва уларнинг самарали амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш масалалари бўйича.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ҳудудда фаолият кўрсатувчи девони ходимлари – инвесторлар,

[illegible]

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		йиллик*	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	ҳукуматлар молия лашкилотлари иштирокида фойдаланишга топшириладиган лойиҳалар қиймати ва сони	бирлик										
	Эркин иқтисодий зоналарда инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми, сони ва яратиладиган иш ўринлари сони	млрд сўм										
		бирлик										
		нафар										
	Ёшлар саноат ва ладбиркорлик зоналарида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми, сони ва яратиладиган иш ўринлари сони	млрд сўм										
		бирлик										
		нафар										
	Амалга ошириладиган ҳудудий экспорт ҳажми, шундан:	млн доллар										
	саноат маҳсулотлари экспорти ҳажми	млн доллар										
	мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми	млн доллар										
	Аҳоли жон бошига туғри келадиган экспорт ҳажми	минг доллар										
	Экспортга йўналтириладиган янги турдаги маҳсулотлар сони	бирлик										
	Экспортга жалб қилинадиган янги корхоналар сони	бирлик										
	Экспорт географиясини кенгайтириш орқали ўзлаштирилган янги ташқи бозорлар сони	бирлик										
	Экспорт фаолиятига жалб қилинган саноат корхоналари сони	бирлик										
	“Tjgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон лизими орқали ижроси таъминланиши зарур бўлган топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш	бирлик										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (қаноатлантирилган мурожаатлар улуши)	фоиз										

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инobatга олинади

Ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Намунавий низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимининг ўринбосари)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколатива жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатларига, халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар** ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари вилоят ҳокимига бўйсунади.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади**.

5. Вилоят ҳокими ўринбосари фаолиятининг натижадорлиги **ўшбв низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади**.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишли туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ва функциялари

8. **Қўйилади**лар вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилona жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг самарали усулларини жорий этиш, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

янги интенсив боғлар, узумзор ва иссиқхоналар ташкил этиш бўйича қабул қилинган **дастурлар ижросини таъминлаш**;

ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича **комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш, сувни тежовчи ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштиришда ресурсларни тежайдиган ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш;

тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, қишлоқ ҳўжалиги экинларини етиштириш учун талаб этиладиган минерал ўғитлар миқдорини белгилаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш;

ўрмон ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, ўрмон ҳўжаликларида маҳсулот етиштириш ҳажмларини ошириш;

ветеринария хизматини кўрсатиш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш ва қишлоқ жойларда савдо ва пулли хизматларни ташкил этиш.

9. Вилоят **ҳокими ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйилади** функцияларни амалга оширади:

а) аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон **Фармони** билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонуниларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларга мувофиқ ҳудудда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш дастурларига тақлифлар ишлаб чиқади;

аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

б) қишлоқ ҳўжалиги экинларини оқилona жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг самарали усулларини жорий этиш, агросаноат кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳасида:

ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шароитлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини инобатга олган ҳолда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи таъминотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ ҳўжалиги экинлари тўлиқ экилишини, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экинларидан белгиланган ҳосил етиштирилишини таъминлаш;

пахта ҳомашёси, бошқоқли дон ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг янги шаклларини жорий этиш;

агросаноат кластерларини ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқади, кластерлар моделидаги таъминотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чораларини кўради;

қишлоқ ҳўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга оширувчи қишлоқ ҳўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича тузилган контрактация ва фьючерс шартномалари бажарилишини ваҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайди;

в) янги интенсив боғлар, узумзор ва иссиқхоналар таъкил этиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Богдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган интенсив боғлар ва иссиқхона хўжаликлари таъкил этиш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган узумзорлар барпо этиш бўйича комплекс дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади:

г) ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ер ресурсларидан белгиланган мақсадларда оқилона ва самарали фойдаланишни, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

ер тузиш, ер мониторинги ўтказилиши ва давлат ер кадастрини юритиш ишларини таъкил этади;

юридик шахсларга қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ербериш ишларини таъкил этади;

ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда бекор қилиш жараёнларини мувофиқлаштиради;

д) сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва мелiorация тадбирларини амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5005-сон қарори билан таъкилланган Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув олиш лимитларини белгилаш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича шартномаларни расмийлаштириш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича тартиб ижросини ҳамда сугориладиган ерларда мелiorатив назоратни таъкил қилади;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ҳамда ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни таъкил қилади ҳамда ижросини таъкил қилади:

сувни тежовчи сугориш технологияларини кенг жорий қилиш бўйича ҳудудий дастурларни таъкил қилади ва ижросини таъминлайди;

сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ривожлантиришга қўмаклашади, фермер хўжаликлари, кластер таъкилотлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилари билан уларнинг шартномавий муносабатларини таъкил қилади;

сув истеъмолчилари уюшмалари ва сувдан фойдаланувчилар ҳисобидаги сугориш тармоқлари, улардаги гидротехника иншоотларининг техник ҳолатини яхшилаш, сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни ҳамда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини таъминлайди;

сув ва сув хўжалиги объектларининг муҳофаза зоналари ва соҳилбўйи минтақаларини таъкил қилиш, ажратилган ерлардан оқилона фойдаланишни таъминлайди;

инвестиция дастурлари доирасида сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш бўйича лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун зарур чораларни қўради ҳамда фойдаланишга топширилган объектлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни таъкил қилади;

е) қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ресурсларни тежовчи ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш соҳасида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ресурсларни тежовчи ва инновацион технологияларни қўллашга қўмаклашади, қишлоқ хўжалиги экинларининг истикболли, интенсив ҳамда серхосил навларини экинни таъкил этади:

инновацион ишланмалар, шунингдек, замонавий автоматлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини қишлоқ хўжалиги тармоқларига жорий этади;

аграр секторга инвестицияларни жалб этиш соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш чораларини қўради;

ж) тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун талаб этиладиган минерал ўғитлар миқдорини белгилаш, қишлоқ хўжалиги экинларини касаллик ва зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилиш соҳасида:

ҳар бир тумандаги қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг тупроқ унумдорлиги ва белгиланган экинлар ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун талаб этиладиган минерал ўғитлар, ўсишни бошқарувчи воситалар ва кимёвий препаратлар миқдорини белгилайди:

мутасадди таъкилотлар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини озиклантириш учун минерал ўғитлар, ўсишни бошқарувчи воситалар ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи зарар кимёвий препаратлар билан взлвксиз таъминлаш чораларини қўради:

мавжуд биологаторияларнинг тўла қувват билан ишлашини таъкил этади, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши биринчи навбатда биологик ва кимёвий қурашнинг тадбирларини таъкил этади;

з) ўрмон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, ўрмон хўжаликларидан маҳсулот етиштириш ҳамда уларни ошириш соҳасида:

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини назорат қилади:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда ўрмон хўжаликларидан давлат ўрмон фондининг маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш

учун берилган участкаларида ўрмонларни ва табиий ландшафтларни сақлаш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилиш шарти билан бу участкаларни ободонлаштириш тадбирларини ташкил этади;

ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлайди;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш вауларни такрорий қўпайтириш устидан давлат назоратини амалга оширади;

ўрмонлар ҳолатига зарар етказилган ҳолларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда ҳудуддаги ўрмон ҳўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш озиқ-овқат маҳсулотларини қўпайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда ўрмон фонди ерларида экотуризмни ривожлантириш, туристик йўналишлар ва замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар ижросини ташкил қилади;

и) ветеринария хизматини кўрсатиш ҳамда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини ташкил этиш соҳасида:

ветеринар осийишталикни таъминлашга қаратилган чораларни кўради ва эпизоотияга қарши тадбирларни ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб боради;

ички истеъмол бозорини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, балиқ ҳамда асал маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, маҳсулотлар нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида замонавий чорвачилик комплексларини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

чорва моллари бош сонини, гўшт, сут, тухум, балиқ ва асал ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилишини таъминлайди;

чорвачилик ҳўжаликларидаги мавжуд чорва моллари учун ажратилган ер майдонларидан самарали фойдаланишнинг ҳолатини ўрганади ва самарали фойдаланиш юзасидан тегишли чоралар кўради;

паррандачилик, балиқчилик ва пиллачилик тармоқларида кластер усулини жорий этади;

сув танқислиги шароитида сунъий сув ҳавзаларига бошқа манбалардан қўшимча сув бериш чораларини кўради; асаларичилик ҳўжаликларини ўрмон фонди ерларига, тоғ ва тоғолди ҳудудларга, табиий пичанзор ва яйловларга ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ерларига жойлаштириш чораларини кўради;

фермер ҳўжаликларининг дала атрофларига тут қўчатларини экиш, интенсив тутзорлар барпо этиш ва парваришланиш ташкил этади ва пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

к) қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлан лойиҳаларини амалга ошириш ва қишлоқ жойларда савдо ва пуллик хизматлар ташкил этиш соҳасида:

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш тармоқларида бозор принциплари ва механизмларини ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан тасдиқланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлайди;

савдо ва пулли хизматларни ривожлантириш соҳасида иқтисодий ислохотлар тизимли амалга оширилишини таъминлаш чораларини кўради;

озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўرғазмалар фаолияти мониторингини олиб боради, қишлоқ аҳолисини талаб этилаётган озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш ва пулли хизматлар кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди;

ҳудуд аҳолисини қиш-баҳор даврида узлуксиз таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларини захирага ғамлаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ижросини ташкил этади;

ҳудудда омборхоналар, картонка сақлаш жойлари ва совитиш камераларини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашнинг молдий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўради;

деҳқон бозорлари фаолиятини тартибга солиш чораларини кўради;

ҳудуд аҳолисини, шв жумладан қиш-баҳор ойларида бориш қийин бўлган олис ва чўл зоналарида яшайдиган аҳолига, шунингдек, ижтимоий соҳа муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари ишончли ва узлуксиз етказиб берилишини таъминлайди;

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари қуйидаги қўшимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорларининг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳудудда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узок муддатли истикболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этади ва ижросини таъминлайди;

ҳудудда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришни таъминлаш борасида тегишли вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва ҳўжалик бирлашмаларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини таҳлил қилиб боради, уларнинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиши ва ҳокимлик йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини ташкил этади;

қишлоқ ҳўжалиги, сув ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги масалалари бўйича тегишли вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ҳўжалик бирлашмалари ҳудудий тузилмаларининг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди;

тегишли вазирликлар, идоралар, қўмиталар, ҳўжалик бирлашмаларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, туман ҳокимларининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарларига юкланган вазифалар ҳамда функциялар самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш чораларини кўради;

тегишли вилоят комиссияларига (кенгашлар, гуруҳларга) раҳбарлик қилади, вилоят ҳокими иштирокидаги комиссиялар (кенгашлар, гуруҳлар) ишини ташкил этади, қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги республика комиссиялари қарорлари ижро этилишини таъминлайди;

белгиланган тартибда ўзларига юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

худудда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қарорлар, дастурлар ва “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш;

вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий бошқарув органлари, туманлар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлаш учун ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқаташкилотлардан улар томонидан киритилган вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

қишлоқ, сув, ўрмон ҳўжалиги, ердан фойдаланиш ва чорвачилик масалаларини ҳудудий бошқарув органлари, туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқишни ва муҳокама қилишини ташкил этиш;

ҳудудий бошқарув органлари, туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар, вилоят ҳокими ўринбосари топшириқларининг ҳудудий бошқарув органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини ўрганиш.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларидаги ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли равишда васамарали **бажарилиши учун шахсан жавобгардир**.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конвнчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПК-2881-сон ҳамда “lrgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

12. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз вазифалари ва функцияларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

4-боб. Ҳоким ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу низомга мувофиқ вилоят ҳокимининг чорақлик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалар асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

14. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботи вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида ҳар ҳафтада эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботлари халқдепутатлари вилоят Кенгаши мажлисида эшитилади.

15. Вилоят ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги** низомга мувофиқ амалга оширилади.

16. Вилоят ҳокими ўринбосари фаолиятини таъминлаш тегишли котибият томонидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан фаолияти мувофиқлаштириб бориладиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий ва тармоқ бўлинмалари РЎЙХАТИ

1. Қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси.
2. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси.
3. Ирригация тизимлари бошқармалари.
4. Насос станциялари ва энергетика бошқармаси.
5. Мелиоратив экспедицияси.
6. Ўрмон ҳўжалиги бошқармаси.
7. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси.
8. Ўсимликлар карантини ва химояси Агентлиги ҳудудий бошқармаси.
9. Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси.
10. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш ҳудудий бошқармаси.

[illegible]

[illegible]

[illegible]

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	Мева-сабзавот, сут ва гўшти кайта ишлаш йўналишида ишга туширилган лойиҳалар сони ва қуввати	бирлик қуввати (тн)										
	“Irgo.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон tizими орқали ижроси таъминланиши зарур бўлган тошчирик ва вазифалар ижросини таъминлаш	бирлик										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (каноатлантирилган мурожаатлар улуши)	фоиз										

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инobatга олинади.

**Ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш
ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг
функционал ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик
кўрсаткичлари вазифалари тўғрисида**

ниҳом

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимининг ўринбосари) фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатларига, халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомга амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва тошчирикларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш этиш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.**

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади.**

5. Вилоят ҳокимлари ўринбосарининг фаолияти натижадорлиги **ушбу низомга иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлар асосида белгиланган тартибда баҳоланади.**

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарига туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари бўйсунди.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари, вазифалари ва функциялари

8. Қўйилагилар вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, иқтидорли ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ёшларни ва ёш oilаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш, улар ўртасида жинойтчиликнинг олдини олиш;

ўзлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими ислохотларини амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш, тарбиячилар, ўқитувчилар, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва жамиятда уларнинг мавқеини кўтариш;

аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудда **фармацевтика саноатини ривожлантиришни таъминлаш;**

ҳудудда ногиронлиги бўлган шахсларни тизимли равишда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларни реабилитация қилишни таъминлаш;

аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури, мафкуравий иммунитет ва дунёқарашини юксалтиришга, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш.

9. Куйидагилар вилоят ҳокимининг Ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ҳудудда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, иқтидорли ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ёшларни ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПФ–6017-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали амалга ошириш этиш;

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини самарадор ва натижалли ижросини таъминлаш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда, шунингдек, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг нодавлат ногажорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшларни маданият ва санъат муассасаларига, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта муҳим ташаббусини** амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармонининг ҳудудда тўлиқ ижросини таъминлаш чораларини кўради;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни, шунингдек, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширади;

ёшлар онгида Ватанга муҳаббат ва содиқлик принципларини сингдиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, қақриув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини тизимли ташкил этади;

ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш, ёш кадрлар захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларида масъул лавозимларга кўтариш бўйича тизимли ишларни ташкил этади;

ёшлар ўртасида **жиноятларни содиқ этиш сабаблари ва шароитларини аниқлаш** ва уларнинг олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бўлган ёшлар билан яқка тартибда ишларнинг босқичли режаларини ишлаб чиқариш ва ижросини таъминлаш чораларини кўради;

ёшлар бандлигини, айниқса қишлоқ жойларда таъминлаш, шунингдек, **меҳнат миграциясидан қайтган ёшларга, турмушида оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ёшларга ҳаётда ўз ўринларини топишда қўмаклашади;**

б) узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими ислохотларини амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш, тарбиячилар, ўқитувчилар, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва жамиятда уларнинг мавқеини кўтариш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ислохотлар амалга оширилишини тизимли ўрганишни таъминлаш, **таълим-тарбия жараёнига илғор ўқув-педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини, ўқув ва тарбия жараёнларининг ўзаро мустаҳкам алоқаси ва узлуксизлигини таъминлаш**, тарбиявий ишларнинг усуллари ва мазмунини такомиллаштириш, **маънавий-ахлоқий тарбиянинг самарали ташкилий ва педагогик шакллари жорий этиш**, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига болаларни ҳар томонлама интеллектуал, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш чора-тадбирлари комплекси амалга оширилишини таъминлаш;

умумий ўрта ва мактабгача таълим сифатининг янги даражага оширилишини таъминлаш, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш, **ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;**

халқ таълимини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминлаш, **жамоатчилик назоратининг шаффофлиги ва самарадорлигига эришиш**, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланишини таъминлаш, умумий фойдаланиладиган маълумотлар базасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий қилишда иштирок этиш;

умумий ўрта ва мактабгача таълим соҳасида нодавлат хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шугулланадиган **юрidik шахслар тармоғини улар учун ташкилий-ҳуқуқий ва техник-иқтисодий шароитлар яратиш орқали янада ривожлантирилиши таъминлаш**, **vshbu soxaga davlat-xususiy sheriklikning turli shakllarini samarali joriy qiliشda ishtirok etish;**

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини замонавий талаблар даражасида қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширилишни ташкил қилиш, **профессор-ўқитувчи кадрларнинг педагогик ва профессионал даражасини мунтазам оширилиш**, уларнинг қонунчилик нормаларини, назарий илм-фан, илмий ва амалий изланишлар, ўқитиладиган фан бўйича технологик жараён ва инновациялар соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни, шунингдек, **ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари**ни чуқур **ўрганишга қўмаклашиш ва рағбатлантириш бўйича тизимли ишларни амалга оширилиш;**

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви, айниқса, янги, истиқболли соҳаларга **хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни, шун жумладан, ватандошларни жалб қилишга доир тақлифларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбирларни амалга оширилиш масалаларини мувофиқлаштириш**, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, муҳим муаммоларни ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

в) аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тўлдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармонига мувофиқ соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини тўлдан ошириш:

соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, оилавий поликлиникалар, кичик врачлик пунктлари ҳамда касалликлар профилактикаси ва саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича патронаж тиббиёт ҳамширалари ишларининг самарадорлигини ошириш ҳисобидан аҳолига, айниқса, кичик жойларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифатини янада яхшилаш бўйича мониторинг олиб борилиши ташкил этилишини ва чора-тадбирлар кўрилишини таъминлаш;

тез тиббий ёрдам хизмати самарадорлигини, у томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг тезкорлиги ва сифати оширилишини, уни энг янги диагностика ва даволаш усуллари билан тизимли асосда қайта жиҳозлаш, **замонавий** мобил тиббиёт усуллари ва алоқа воситалари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган автотранспорт билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича маҳаллий давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик тамойилларини тарғиб этиш ва жорий қилиш асосида меҳнатга лаёқатли аҳоли, кекса кишиларнинг соғлигини яхшилаш, жароҳатланишни камайтириш бўйича профилактика тадбирларини такомиллаштириш, фуқароларнинг Ўз соғлиги учун шахсий масъулиятини кучайтириш, геронтология, аҳолининг гендер ва ёш хусусиятлари масалаларида замонавий илмий ёндашувларни жорий этиш йўли билан аҳоли саломатлигининг муҳим тиббий-демографик тавсифи сифатида **узок умр кўришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш**;

катта ёшдагиларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларнинг ҳаёти, фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимининг ишлашини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

туғма ва ирсий касалликларнинг юзага келиши сабабларини ўрганиш ва олдини олиш, ҳудуддаги ижтимоий, табиий-иқлим шароитларига хос бўлган касалликларни ўрганиш масалаларида тиббиёт илм-фанини ривожлантириш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

ҳудудда санитария-эпидемиологик ҳолат ва радиациявий вазият мониторинги олиб борилишини ташкил этиш ва амалга ошириш, келгусида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга, яшаш муҳити омилларининг инсонга зарарли таъсирини бартараф этишга, атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув таъминоти манбалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ифлосланишининг олдини олишга йўналтирилган комплекс санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва ташкилий тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

фармацевтика ишлаб чиқаришини таркибий ўзгатириш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, фармацевтика тармоғи корхоналарида **корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари**ни жорий этиш, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш;

г) *ҳудудда ногиронлиги бўлган шахсларни тизимли равишда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларни реабилитация қилишни таъминлаш соҳасида:*

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишда комплекс ёндашувнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини, шўв жўмладан, ногиронликни аниқлашнинг тиббий моделдан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни реабилитация қилиш дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг фаровонлигига таъсир кўрсатадиган барча омиллар ҳисобга олинадиган ижтимоий моделга ўтишни мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларининг тўғридан-тўғри иштирок этиши механизmlарини яратиш**;

ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг юқори самарадорлигига ва унинг мураккаб ҳаётги вазиятга тушиб қолган мўайян шахслар ҳамда оилалар эҳтиёжларига мос келишига эришиш учун ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг барча даражаларида профессионал ижтимоий фаолият ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини мувофиқлаштириш;

самарали ижтимоий ҳимоя қилиш учун моддий ресурсларнинг етарли миқдорда ажратилишини, улардан оқилона ва тегишли равишда фойдаланилишини мувофиқлаштириш;

д) *аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури, мафкуравий иммунитетини ва дунёқарашини юксалтириш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-4307-сон қарорига мувофиқ фуқаролар, айниқса ёшлар онгида миллий гоёга, умуминсоний қадриятлар ва демократик принципларга асосланган дунёқарашни шакллантириш, жамоатчилик онгида мустақиллик гоёларига, Ватанга муҳаббат ва содиқлик принципларини сингдиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш бўйича зарур чоралар кўриш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишни ташкил этади ҳамда **“маҳалла-туман-вилоят” принципи** асосида ҳудудлар бўйича ижтимоий-маънавий муҳит харитасини шакллантириш;

“Жаҳолатга қарши маърифат” гоёси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқотнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион усуллари ишлаб чиқилишини таъминлаш;

тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик гоёларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш учун зарур шароитлар яратиш;

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлайди;

худудда ёшлар сиёсати ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий масалаларнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ мўддатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “Йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини тапқил этади ва ижросини таъминлайди;

худудни ёшлар сиёсати ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар борасида тегишли вазирликлар, идораларлар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

соҳалар ва йўналишларда ислохотларнинг амалга оширилаётган ишлари самарадорлигини таҳлил қилиб боради, уларнинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиши ва ҳокимлик йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини тизимли асосда таъминлайди;

ёшлар сиёсати ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий масалалар бўйича тегишли вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий тузилмаларининг аниқ кўрсаткичлар ҳамда мақсадли индикаторларга эришишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди;

туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосарларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали ва натижалли бажарилиши учун уларнинг **шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўради ҳамда йил якуни бўйича уларнинг фаолиятини баҳолаб боради;**

тегишли комиссияларга (кенгашлар, гуруҳларга) самарали раҳбарлик қилади, комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этади ва қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

худудни ёшлар сиёсати ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар бўйича қарорлар, дастурлар ва “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш, ижросини тапқил этиш;

соҳа бўйича тегишли вазирликлар, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини доимий назорат ва таҳлил қилиш;

вазирликлар, идоралар, қўмиталарнинг ҳудудий тузилмалари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ёшлар сиёсати ва ижтимоий соҳаларини ривожлантириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги бўйича ҳисоботларини муҳокама қилиш;

вилоят ҳокими ҳузурида ва ўзи раислигида қўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳокимлик аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосарига бириктирилган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг коллегиял органлари мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда вилоят ҳокими ҳузурида ва ўзи раҳбарлигида қўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

12. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 9 ва 10-андларидаги ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардир. Шу жумладан:

ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича белгиланган асосий кўрсаткичларга ва мақсадларга эришилиши;

ёшларни маданият ва санъат муассасаларига, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бепта ташаббус амалиётга татбиқ этилиши;**

“Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури доирасида назарда тутилган тадбирларнинг, хусусан, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали ёшлар тадбиркорлигининг кенг ривожланиши;

иктидорли ёшларни, шунингдек, ёш оилалар ижтимоий қўллаб-қувватланиши, улар учун муносиб шарт-шароитлар яратилиши, ёшлар ўртасида жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайиши;

“Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари учун соғломлаштириш оромгоҳлари ва шаҳар тапқарисидаги уйларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари қўрилиши;

доимий равишда бевосита таълим муассасаларига чиққан ҳолда педагог ходимлар иш фаолияти самарадорлигини оширишга, таълим сифатини яхшилашга қаратилган тадбирлар ташкил этилиши, ўқитувчиларни мажбурий меҳнатга жалб қилмаслик учун қатъий назорат амалга оширилиши, ўқувчилар тўғрақларга тўлиқ жалб этилиши ҳамда уларнинг ёзги ва қишги таътиллари мазмунли ташкил этилиши;

аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг йилдан йилга яхшиланиши, айниқса, аҳолининг ўртача умр кўриш ёшининг ошиши, оналар ва болалар ўлими, бахтсиз ҳодисалардан ўлим, юқумли бўлмаган касалликлардан барвақт ўлим кўрсаткичларининг пасайиши, онкология касалликларидан беш йиллик яшаш кўрсаткичи ошиши, бир йиллик ўлим кўрсаткичининг камайиши;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамнинг белгиланган ҳажмларда ва сифатда кўрсатилиши ҳамда ҳудудда нодавлат тиббиёт ташкилотлари сони ва улар томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажмининг ошиши;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимояси давлат талаби даражасида ташкил этилиши, мазкур гуруҳга кирувчи шахсларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш орқали уларнинг сони йилдан-йилга камайиши; маданий-маърифий, оммавий-спорт, спорт-соғломлаштириш тадбирларига аҳолининг кенг қатламини жалб этиш сонини ошириб бориш, шу орқали ҳудудда маданият ва санъатни янада ривожлантириш учун, спорт турлари бўйича ёш чемпионолар тарбияланишига етарли шарт-шароитлар яратилиши; мавжуд маданий ва маърифий объектлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланиши; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиклиги таъминланиши ҳамда уларнинг ахборот хизматлари самарадорлиги оширилиши; ахборот-кутубхона марказлари тармоғи кенгайтирилиши ва улар томонидан хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиши; аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал этишда маҳалла институтининг роли кучайтирилиши, фуқаролар йиғинининг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан тизимли ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиши учун масъулдир.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони**, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва тошпириклари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ҳамда **“Iro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорлари** шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосарининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, ушбу Намунавий низомга мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг чораклик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалар асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади ҳамда вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

14. Вилоят ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарининг ҳисоботи вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида ҳар ҳафтада эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарининг тегишли ҳисоботлари халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

15. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги** низомга мувофиқ амалга оширилади.

Котибият мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини таъминлаш тегишли котибият томонидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ

1. Мактабгача таълим бошқармаси.
2. Халқ таълими бошқармаси.
3. Соғлиқни сақлаш бошқармаси.
4. Санитария-эпидемиология хизматининг ҳудудий бошқармаси.
5. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий бўлими.
6. Ёшлар ишлари агентлиги ҳудудий бошқармаси.
7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ҳудудий бўлими.
8. Олий таълим муассасалари.
9. Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси.
10. Ҳудудлардаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар
11. Вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари – ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш, маънавий-маърифий ишларни ривожлантириш масалалари юзасидан.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ

1. Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлими.

- Ҳокимнинг ёшлар сиёсати, ижтимоий
ривожлантириш
ва маънавий-маърифий ишлар бўйича
Ўринбосарининг функционал вазифалари
ҳамда уларнинг фаолияти
самарадорлигини баҳолаш туғрисидаги
низомга
илова

[illegible]

[illegible]

[illegible]

/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		Йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	хонадонига тапширф буюриш оркали ва йил давомида режали стационар шароитда даволаниш билан камраб олинган беморлар сони											
	Янги оилавий пшифокорлик пунктлари ташкил этилган ҳудудлар сони	дона										
	Олис ва чекка ҳудудлардаги оилавий пшифокорлар пунктларига “Кишлок пшифокори” дастури доирасида ишга қабул қилинган пшифокорлар сони	нафар										
	Туман (шаҳар)ларда ташкил қилинган мобил бригадалар сони	бирлик										
	Ташкил қилинган хусусий гиббйёт ташкилотлари сони	бирлик										
	Таъмирланган оилавий пшифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари сони	бирлик										
	Телемедицина оркали ташкил этилган маслаҳатлар сони	бирлик										
	Юқори технологиялар оркали амалга оширилган операциялар сони	бирлик										
	Гўдаклар ўлимини камайтириш (гўдаклар ўлими 1 000 та тирик тутилганларга нисбатан) даражаси	коэф- фицент										
	Оналар ўлимига йўл қўймаслик (оналар ўлими сонининг ҳар 100 минг тирик тутилган чакалоклар сонига нисбати) даражаси	коэф- фицент										
	Пшифокорлар билан таъминланганлик даражаси (ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган пшифокорлар сони)	киши										
	Аҳолининг касалхона койкалари билан таъминланганлиги даражаси (ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган койкалар сони)	бирлик										
	Тез тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконияти (ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган тез тиббий ёрдам автотранспорт воситалари сони)	бирлик										
	“ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими оркали ижроси таъминланиши зарур бўлган тошширик ва вазифалар ижросини таъминлаш.	бирлик										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (каноатлантирилган мурожаатлар улуши)	фоиз										

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инobatга олинади

**Ҳоким ўринбосари – вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг функционал
вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимининг ўринбосарлари – вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиқлари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимининг ўринбосари)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.
2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига, халқ депутатлари Кенгаши қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.
3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва тошпирикларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш эътиборини эътиборга олиш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар** ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.
4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунди.
- Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади**.
5. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти натижадорлиги **ушбу низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади**.
6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарига туманлар ва шаҳарлар ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқлари бўйсунди.
7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:
фуқаролар йиғинларининг жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва қўмақдошига айланишини таъминлаш,
оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, нурунийлар ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллани жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва мавқеини янада мустаҳкамлаш чораларини кўриш;
хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш;
оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, шунингдек, уларнинг вай-жай шароитларини яхшилаш, арзон вай-жайлар олишига қўмақлашиш;
хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;
жинойт содир этишга мойил бўлганлар билан яқин тартибда иш олиб бориш орқали хотин-қизлар орасида ҳуқуқбўзарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш;
ФХДБ органлари билан ишлаш, оилани мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, тарғибот ва маърифат ишларини ташкил этиш;
концепциялар, давлат дастурлари ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
9. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:
а) фуқаролар йиғинларининг жойларда халқнинг чинакам маслакдоши ва қўмақдошига айланишини таъминлаш соҳасида:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармонининг ҳудудда самарали бажарилишини таъминлаш ҳамда маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини оширишга, фуқаролар йиғинлари ишлари ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилишга яқиндан қўмақлашади;
аҳолининг кундалик ҳаётидаги муаммоларини ҳал этишда, ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, жамиятда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини барқарорлаштиришда фуқароларнинг энг яқин, халқчил ва уларнинг муштарак манфаатларини ифода этадиган институт – маҳалланинг иштироки, мавқеи ва нуфузини оширишга қаратилган кенг қўламли, манзилли тадбирларни амалга оширади;
аҳолининг муҳим муаммоларини ҳал этишда маҳалла институтининг ролини кучайтириш, фуқаролар йиғинининг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан тизимли ҳамкорлигини кучайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилайди;
фуқароларнинг манфаатларига дахл қилувчи ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;
б) хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида уларнинг роли ва фаоллигини ошириш масалаларида давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

бошқарув тизимига стратегик режалаштириш ва прогноزلаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва тамойилларини жорий этади;

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифалари, Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси ҳамда ўрта муддатли ва узок истикболда ривожлантиришнинг тасдиқланган тармок ва ҳудудий дастурлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлайди;

хотин-қизларнинг мақомини, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини, жамият ҳамда оиладаги ролини ошириш чораларини кўради;

давлат органлари ва жамоат таъкилотларини жалб этган ҳолда ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиб соҳасида комплекс тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш ва тушунтиришда, ижроси юзасидан **жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этади;**

қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни тайёрлаш, иктидорли, қобилиятли қизлар захираси билан **тизимли иш олиб боришни, Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича маҳаллий комиссиялар фаолиятини ташкил қилади;**

ташаббускор, амалий иш тажрибасига эга бўлган қизлардан кадрлар захирасини шакллантириш ва уларнинг номзодларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш тизимини йўлга қўяди;

хотин-қизлар ва оила масалаларида давлат таъкилотлари ва нодавлат таъкилотлар, сиёсий партиялар билан яқин ҳамкорлигини таъминлайди;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат таъкилотлари фаолияти шаклланишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этишига қўмаклашиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги **ижтимоий шерикликни кенгайтириш, хотин-қизларга манзилли ижтимоий ёрдам бериш ишларини ташкил этади;**

в) оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва уларга ёрдам бериш, шунингдек, уларнинг уй-эҳой шароитларини яхшилаш, арзон уй-эҳойлар олинишга қўмаклашиш соҳасида;

жойларда хотин-қизлар ва оилаларнинг реал ҳолатини мунтазам ўрганади, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга оширади;

жойлардаги оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан ногиронлиги бўлган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлашни, улар билан аниқ мақсадга йўналтирилган манзилли ишлар олиб борилишини таъминлайди;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оналар билан манзилли ишлашга ҳамда уларни арзон уй-жойлар билан таъминлашга қўмаклашади;

ёрдамга муҳтож бўлган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, уларнинг оилалари ва болалари учун зарур бўлган **ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади, ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва жамоат таъкилотларининг ҳамкорлигини таъминлайди;**

оилавий ва шахслараро низоларнинг, ўз жонига қасд қилишга ҳамда жамият ва оилада маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларнинг барвақт профилактикаси бўйича манзилли ишларни олиб боради;

оилаларда **ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш ишларига кекса ва ҳурматга сазовор, жамиятда катта обрўга эга бўлган аёллар ва фуқароларни кенг жалб этиш, намунавий оилаларнинг ҳаёт тарзини тарғиб этиш чораларини кўради;**

аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш намунали марказлар фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштиради, фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратади, уларнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатишини ташкил этишга қўмаклашади;

г) хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш соҳасида;

жойларда халқ билан мулоқот ва сайёр учрашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш чораларини кўради, **ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, шу жумладан, хотин-қизларнинг бандлиги ва реал даромадларини оширишни таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;**

бандлик дастури доирасида хотин-қизларни, айниқса, коллежлар, техникумлар битирувчиларини ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, улар бандлигининг сифати, доимий иш ўрни билан таъминланганлиги юзасидан таъсирчан назоратни йўлга қўяди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сўрилган бешта ташаббуснинг бешинчи йўналиши доирасида хотин-қизларнинг меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда ташкил этиладиган тикув-трикотаж цехларига манзилли рўйхатлар асосида хотин-қизларни ишга жойлаштириш, бунда ишлаш истагини билдирган хотин-қизларни малака тоифаларига ажратиб, уларни ҳудудлардаги коллежлар базасида қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитишни ташкил этади;

оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган манзилли дастурлар асосида уларнинг бандлиги тўлиқ таъминланишини ташкил этади ва бу борадаги ишларни назорат қилади;

“устоз-шогирд” тизими асосида ишсиз хотин-қизларни ҳунармандчилик ва қасаначилик йўналишларига кенг жалб этади ҳамда бу борада зарур чораларни белгилайди;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ташкил этиш бўйича ажратиладиган имтиёзли кредит ресурслари ўз вақтида ҳамда тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлайди;

тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни хоҳлайдиган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратишга қўмаклашиш, берилган имтиёзлар тўғри қўланиши масалаларини тартибга солиш,

давлат рўйхатидан ва бошқа тартиботлардан ўтиш, меҳнат муносабатларига киришиш бўйича қонун ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар олишда уларга ёрдам беради;

хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишларининг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, меҳнат муносабатлари соҳасида, шу жумладан ҳомиладор аёлларга ва кичик ёшдаги болалари бўлган аёлларга қўшимча импиезлар бериш соҳасида давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотларнинг мустақкам ҳамкорлигини йўлга қўяди;

Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларининг бизнес-инкубатор шаклида самарали фаолият юритишини ташкил этади;

д) жиноят содир этишга мойил бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш орқали хотин-қизлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш соҳасида:

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа таъкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга оширилишини ташкил этади;

жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган хотин-қизларни аниқлаш, улар билан якка тартибда иш олиб бориш бўйича ички ишлар органлари ва тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади;

жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва тизимли баргараф этиш орқали оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш чораларини кўради;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, махсус ўқув-тарбия муассасаларидан, ижтимоий реабилитация ва хотин-қизларни мослаштириш муассасаларидан қайтган хотин-қизларни ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштиришини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича амалий чораларни белгилайди;

жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган хотин-қизлар орасида маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ҳамда уларни қасбга йўналтиришга қаратилган ўқувларни ташкил этади;

е) ФХДЁ органлари билан ишлаш, оилани мустақкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, тарғибот ва маърифат ишлари соҳасида:

қонунийликни таъминлашда, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда фаол иштирок этади, ФХДЁ органлари фаолиятида қонун талабларига риоя этилиши мониторингини мунтазам равишда олиб боради;

ФХДЁ органлари фаолияти бўйича қонун ҳужжатларини изчил такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

оила институтини мустақкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш юзасидан олиб бориладиган комплекс чора-тадбирларда ФХДЁ органларининг фаол иштирок этишини таъминлайди;

ФХДЁ органларининг оилани мустақкамлашга қаратилган давлат сиёсатининг таъкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари изчил амалга оширилишини таъминлайди;

ФХДЁ органлари ҳодимларини замон талаблари асосида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини мувофиқлаштиради;

оилавий муносабатларни соғломлаштириш, никоҳ ва оила институтини мустақкамлаш, никоҳ шартномаларининг

ҳусусиятлари

ва шартлари, фарзандлар тарбияси учун ота-оналарнинг бевосита масъулияти, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш билан боғлиқ тизимли тарғибот тадбирларини ташкил қилади;

ФХДЁ органлари томонидан оилани мустақкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида қайд этиш ва бу борада тарғибот-тушунтириш тадбирларини ташкил этиш чораларини кўради;

ФХДЁ бўлимлари ва никоҳ уйлари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустақкамлаш, улар ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб боради ва мавжуд ҳолатни янада яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари қуйидаги қўшимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматнинг ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлайди;

хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, оилалар мустақкамлигини таъминлаш борасида ўта муҳим ва устувор йўналишлар бўйича яқин, ўрта ва узок муддатли истикболга мўлжалланган концепциялар, давлат дастурлари ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этади ва ижросини таъминлайди;

вилоят ҳокимлари мажлисларида, ҳокимлар ҳузурида ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқиш учун хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича материаллар тайёрланишини ва киритилишини таъминлайди;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиқларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун уларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўради ҳамда йил якуни бўйича уларнинг фаолиятини баҳолаб боради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасидан келиб чиқадиган тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурининг амалга оширилиши туғрисида ҳар ойлик ҳисоботлар тайёрланишини ва уларнинг Вазирлар Маҳкамасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли хизматларига тақдим этилишини таъминлайди;

хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилади;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

3-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича қарорлар, дастурлар ва “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ҳамда ижросини таъкил этиш;

вилоят ҳокимлигида қўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар раҳбарларининг хотин-қизлар ва оила масалаларида олиб бораётган ишлари самарадорлигини муҳофаза қилиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакилларини вилоят ҳокимлигида ҳамда Вазирлар Маҳкамасида қўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

ўз ваколатига қирадиган масалалар бўйича бошқармалар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар бериш ва ижросини талаб қилиш;

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар, шунингдек, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзи мутасаддилик қиладиган масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти мудир, бош ва етакчи мутахассислар лавозимига номзодлар юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритиш;

котибият мудирини, бош ва етакчи мутахассисларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиш.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларидаги ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конвнчилик ҳужжатлари ижросини самарали таъкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кўчатиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизومي мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ҳамда “Irgo.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолиятини таъкил этиш

12. Вилоят ҳокими ўринбосарининг ишлари Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг чораклик ва ярим йилликка мўлжалланган иш режаси асосида таъкил этилади.

Мазкур иш режалари асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланган ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади.

13. Вилоят ҳокимлари ҳузурида ҳар ҳафта ўтказиладиган тезкор мажлисларда вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботлари эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларида эшитилади.

14. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни қўриш Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

Котибият мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини таъминлаш тегишли котибият томонидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари РЎЙХАТИ

1. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси.
2. Ички ишлар бош бошқармалари – хавфсиз маҳалла ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари юзасидан.
3. Туман ва шаҳар ФХДЭ органлари – оилани мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш, туғилиш ва никоҳни ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, тарғибот ва маърифат чора-тадбирларини амалга ошириш юзасидан.

**Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари
РЎЙХАТИ**

1. “Соғлом авлод учун” Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар минтақавий филиали.
2. Қизил Ярим ой жамияти вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари.
3. “Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари.
4. Маҳалла фуқаролар йиғинлари.
5. “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари.

Ҳоким ўринбосари – вилоят маҳалла ва
оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлигининг функционал вазифалари
ҳамда фаолиятининг энг муҳим
самарадорлик кўрсаткичлари
тўғрисидаги низомига
илова

Вилоят ҳокимининг уринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси
бошлиғининг _____ йилда иш самарадорлигини баҳолаш
ҚўРСАТКИЧЛАРИ

[illegible]

[illegible]

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	Йиғинлари сони											
	Биоларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланган маҳалла фуқаролар йиғинлари сони	бирлик										
	Давлат-хусусий шериклик асосида қурилган ўз хизмат биносига эга бўлмаган маҳалла фуқаролар йиғини биолари сони	дона										
	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қурилган маҳалла фуқаролар йиғини биолари сони	дона										
	Реконструкция қилинган маҳалла фуқаролар йиғинлари биолари сони	дона										
	Таъмирланган маҳалла биолари сони	дона										
	Маҳалла фуқаролар йиғинларига ажратилган компьютер техникалари сони	дона										
	Сув таъминоти огир бўлган ҳудудлардаги аҳоли томорқаларига қазиб берилган вертикал сугориш кудуклари сони	минг дона										
	Фойдаланишдан чиққан ерларни фойдаланишга киритиш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳамда ерга ер қўшиш орқали оилаларга белгиланган тартибда ажратилган ер майдонлари сони	минг дона										
	Томорқасидан унумли фойдаланишга қўмаклашилган эҳтиёжманд бўлган оилалар сони	минг дона										
	Хонадонлари таъмирланган ва ободонлаштирилган эҳтиёжманд бўлган оилалар сони	минг дона										
	Ободонлаштирилган кўчалар узунлиги	минг км										
	Ижтимоий ёрдам кўрсатилган меҳнат мигрантлари оилалари сони	минг нафар										
	Ижтимоий томондан мунтазам қўллаб-қувватлаш ишлари ташкил этилган “Саховат” ва “Мурувват” уйларида истиқомат қилаётган қариялар ва ногиронлар сони	нафар										
	Санатория ва дам олиш масканларида ҳордиқ олишлари ташкил этилган кексалар ва нурунийлар сони	минг нафар										
	Диккалга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилган кексалар ва нурунийлар сони	минг нафар										
	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали ижроси таъминланиши зарур бўлган топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш	бирлик										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (қаноатлантирилган мурожаатлар улushi)	фоиз										

Изоҳ. Йилда бир мартаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инobatга олинади

**Ҳокимнинг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – туризм ва спорт бош бошқармаси бошлигининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари вазифалари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Намунавий низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – туризм ва спорт бош бошқармалари бошлиқлари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимининг ўринбосари)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий маъсуляти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг ҳужжатларига, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига, вилоят ҳокимларининг қарор ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.**

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишлича вилоят ҳокимига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва спорт вазиритомидан мувофиқлаштирилади.**

5. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти натижадорлиги **ушбу низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади.**

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосарига шахар ва туманлар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари тегишли йўналиш бўйича ҳисобот берадилар.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ва функциялари

8. **Қуйидагилар вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:**

туризмни жадал ривожлантириш, ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш;

ички туризмни жадал ривожлантириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, зиёрат туризмни ривожлантириш;

туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикасини ривожлантириш, туризм соҳасида юқори малакати мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

аҳолининг кенг қатламлари спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва шу орқали **ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши кўрсаткичларини оширишни таъминлаш;**

маданий соҳадаги ислохотларни жойларда амалга оширилишини таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни **маданият муассасаларига жалб этиш ва маданий-оммавий тадбирлар билан тўлиқ камраб олишни таъминлаш;**

ҳудудда оммавий ахборот воситалари, ахборот тарғибот соҳасини комплекс ривожлантиришни таъминлаш чораларини кўриш.

9. Вилоят ҳокими ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва туризмни ривожлантиришни таъминлаш соҳасида:

туризм инфратузилмасини янада ривожлантириш, шу жумладан ушбу соҳада аҳолининг бандлиги ва реал даромадлари оширилишини таъминловчи комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

ҳудудга **ташриф бўйораётган хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш** мақсадида яқин, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда туризм соҳасини стратегик ривожлантириш дастурларини сифатли ва самарали амалга оширилишини таъминлайди;

жойларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича ислохотлар амалга оширилишининг самарадорлигини доимий ва тизимли асосда ҳар томонлама ва танқидий таҳлил қилади, **аниқланган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича асосли таклифлар тайёрлайди;**

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этиш чораларини кўради;

ваколат доирасида **Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича зарур чораларни кўради;**

туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларда кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, ҳудуднинг ўзига хос маданияти ва анъаналаридан келиб чиқиб, туризм маҳсулотини фаол ва комплекс тарғиб қилиш чораларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари, меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш бўйича ўз ваколати доирасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

б) ички туризмни жадал ривожлантириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш соҳасида:

“Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!” Дастури доирасида ташриф буюраётган маҳаллий туристлар учун туризм инфратузилмасини, шу жумладан меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларининг тайёрлигини таъминлаш, ҳудуддаги жойлаштириш воситалари ва умумий овқатланиш шохобчаларини хатловдан ўтказган ҳолда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чораларни амалга оширади;

экологик, этномаданий, кишлоқ, агро ва саноат туризми йўналишларини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;

маҳаллий туристлар учун тавсия этиладиган ташриф буюриш объектлари рўйхатини шакллантириш ва уни доимий янгиллаб боришни ташкил этади;

маҳаллий туристлар учун театрлаштирилган миллий анъана ва ўрф-одатлар билан бойитилган томошалар тапшил этилишини таъминлайди;

в) кириш туризмни ривожлантириш ҳамда туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш соҳасида:

туризм йўналишларини тизимлаштиради, шу жумладан туризм намоён объектларининг ягона ахборот базасини шакллантиради;

танлов асосида вилоят туризм брендининг ишлаб чиқишини ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланишини таъминлайди;

тематик туристик зоналари ва кластерларни яратиш орқали ҳамда ҳудуднинг туристик салоҳияти ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда туризмнинг истикболли турлари (зиёрат, маърифий, экологик, этнографик, гастрономик, спорт, даволувчи-соғломлаштирувчи, кишлоқ, саноат, ишбилармонлик (**“MICE-туризм”**)) ва бошқаларни ривожлантириш бўйича ҳудудий туризм дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ҳудуднинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш, туризм соҳасидаги нуфузини сақлаш ва ривожлантириш, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига ҳамда янги туризм йўналишларини ташкил этишга қаратилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга оширади;

беғул фаолият кўрсатувчи, шу жумладан брон қилиш, сувенирлар, китоблар ва туризм хариталари бўйича маълумот берувчи **“туризм ахборот шохобчалари”** фаолиятини ташкил этади;

юқори туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда **хавфсиз туризмни таъминлаш** бўйича ички ишлар органларининг махсус бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорликни ташкил қилади;

з) туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикасини ривожлантириш соҳасида:

жойлаштириш воситаларини босқичма-босқич ривожлантириш, йирик, ўрта, кичик меҳмонхоналар ва хостелларни кўришни рағбатлантириш

ҳамда мавжуд меҳмонхоналарни реконструкция ва модернизация қилиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга оширади;

туризм соҳасига туташ инфратузилмани (умумий овқатланиш объектлари, транспорт-логистика тузилмалари, кўнгилочар масканлар индустрияси, маданий ва спорт муассасалари, туристик намоён объектлари ва бошқаларни) ривожлантиришга қаратилган комплекс

чора-тадбирларни амалга оширади;

туризм инфратузилмаси объектларини қуриш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича барча зарур чораларни кўради, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни асосида туризмни ривожлантириш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширади;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини туризм инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантиришга жалб этиш чораларини кўради;

туризм навигациясининг унификациялаштирилган ягона тизимини жорий этиш ва ривожлантиришни ташкилланттиради;

жойлардаги туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари билан очик мулоқот ва шахсий учрашувлар ўтказилади;

йўловчилар ташишни ривожлантириш, шу жумладан автомобиль йўлларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш чора-тадбирлари дастурларида белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилади; республика ҳудудлари ўртасида авиақатновларни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

транспорт хизматларини сифатли кўрсатиш учун ҳудудда транспорт воситаларининг ҳаракатланувчи таркибини мунтазам янгиллаб бориш бўйича таклифлар киритади;

д) юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида:

туризм соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш юзасидан белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига қўмақлашган ҳолда уларнинг ходимлари малакасини ошириш юзасидан зарур чоралар кўради;

туризм соҳасида касб-ҳунар таълими муассасаларидаги кадрлар ва битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиради;

ички ва кириш туризми соҳасида бевосита туристик хизматларни кўрсатувчи туризм соҳаси ходимлари (гидлар, йўриқчи-кузатувчи, туризм фаолияти субъектлари, умумий овқатланиш ташкилотлари, транспорт хизмати ва бошқа ходимлари) учун малака ошириш ўқув машғулотларини ташкил этади;

туризм соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган узлуксиз, қўп босқичли таълим тизимини яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

туризм соҳасида таълимнинг амалиётга йўналтирилган ва замонавий таълим стандартлари, ўқув-услубий дастурлари ҳамда илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

е) аҳолининг кенг қатламлари спорт билан мунтазам шугулланишини таъминлаш соҳасида:

аҳолининг кенг қатламларини спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш учун шарт-шароитлар яратади ва амалий чора-тадбирларни бажариш, жисмонан соғлом баркамол ёш авлодни вояга етказиш, болалар спортини устувор ривожлантириш, илмий асосланган спорт тиббиётини ривожлантириш, тренерлар таркибининг касбий даражасини доимий равишда ошириш чораларини кўради;

аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади, жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий спорт

инвентарлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида халқаро тоифадаги спорт усталарини тайёрлаш учун спорт комплекслари ташкил этилишини таъминлайди;

жисмоний тарбия-спорт жамоат ҳудудий бирлашмалари фаолиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширилишини ташкил қилади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

иктидорли ва истикболли спортчиларнинг Олимпия ва Осиё ўйинларида, шунингдек, жаҳон чемпионатларида юқори натижаларга эришиши ҳамда мамлакатимизни муносиб ифodalashi учун уларни спорт секциялари ва мактаблари даражасидан бошлаб мамлакат терма жамоасигача танлаш, тайёрлаш ҳамда маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

ж) аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни маданият муассасаларига жалб этиш ва маданий-маърифий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш соҳасида:

худуддаги маданият муассасалари, жумладан, театрлар, музейлар, маданият марказлари, цирklar, маданият ва истироҳат боғлари, ҳайвонот боғлари фаолияти самарадорлигини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу муассасаларга аҳоли, айниқса, ёшларни тизимли тарзда жалб этиш чораларини кўради;

худуддаги моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ишончли сақлаш ва илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ишларини ташкил этади;

жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаётида, айниқса, ёшларни тарбиялашда кино санъатининг роли ва аҳамиятини ошириш, кино маҳсулотларининг гоъвий-бадний савиясини ошириш, кино санъатини янада такомиллаштириш бўйича зарур шароитлар яратади;

худудда тасвирий, амалий санъатни ва дизайн соҳасини янада ривожлантириш, иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ўз иқтидорини намоён қилишлари учун муносиб шароитлар яратади;

з) оммавий ахборот воситалари, ахборот тарғиботи соҳасида:

аҳолининг ахборот билан таъминланганлик даражасини ва маданий савиясини ошириш, турли ахборот таҳдидларининг олдини олиш, ёшларнинг онги ва тафаккурини “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш, оммавий ахборот воситалари ва давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ахборот хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

ахборот-кутубхона марказлари тармогини кенгайтириш, ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш, жамиятда китоб ўқиш маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

журналистларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширади;

маҳаллий ижроя ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш, уларга бириктирилган соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг мақсадлари, вазифалари, амалга оширилиши ва натижалари тўғрисида кенг жамоатчилиқка ўз вақтида, ҳолисона ва тўлиқ ахборот берилишини ташкил этади.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари қўйидаги қўшимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг ҳужжатлари ва топшириқларининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлайди;

худуднинг туризм салоҳиятини ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин, ўрта ва узоқ муддатли истикболга мўлжалланган концепциялар, ҳудудий дастурлар ҳамда “Йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этади ва ижросини таъминлайди;

туризм соҳасидаги ислохотлар доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини таҳлил қилиб боради, уларнинг натижалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрланиши ва ҳокимлик йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини тизимли асосда таъминлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига туризм соҳасини ривожлантириш йўналиши бўйича масалаларга доир тақлифлар киритади;

туман ва шаҳар ҳокимларининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларига юқланган туризмни ривожлантириш бўйича вазифалар ҳамда функцияларнинг самарали ва натижали бажарилиши учун уларнинг **шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўради ҳамда йил якуни бўйича уларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини баҳолаб боради;**

тегишли комиссияларга (кенгашлар, гуруҳлар) самарали раҳбарлик қилади, вилоят ҳокими бошчилиқ қиладиган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этади ва қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

белгиланган тартибда ўзига юқланган бошқа функцияларни амалга оширади.

3-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига юқланган вазифа ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда қўриб чиқиладиган туризм соҳасига оид масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлаш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳларини ташкил этиш;

туризмни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ва “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

худудда туризмни ривожлантириш масалаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида қўриб чиқиш ва муҳокама қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув

аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш.

11. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ушбу низомнинг 8 ва 9-бандларидаги ўзига юкланган вазифаларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ҳамда “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарорлари шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини ташкил этиш

12. Вилоят ҳокими ўринбосарининг иши Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу низомга мувофиқ, вилоятлар ҳокимларининг чорақлик ва ярим йиллик иш режалари асосида ташкил этилади.

Ушбу иш режалари асосида вилоят ҳокими ўринбосарининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқиладиган ва улар вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

13. Вилоят ҳокими ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – туризм ва спорт вазири ва ҳоким топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни амалга ошириш, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати ва вилоят ҳокимлиги мажлисларида ҳисоботларни эшитиш йўли билан ташкил этилади.

14. Вилоят ҳокимининг тезкор йиғилишларида вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботлари **ҳар ҳафтада** эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга асосан ҳокимлар ўринбосарларининг ҳисоботлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

15. Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш **Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги** низомга мувофиқ амалга оширилади.

16. Вилоят ҳокимининг ўринбосари фаолиятини таъминлаш тегишли котибият томонидан амалга оширилади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан фаолияти мувофиқлаштириб бориладиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари РЎЙХАТИ

1. Туризм ва спорт бошқармаси.
2. Маданият бошқармаси.
3. Маданий мерос бошқармаси.
4. Кинематография агентлигининг ҳудудий бўлими.
5. Ҳудудий ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси.
6. Вилоят телерадиокомпанияси.
7. Ҳудуддаги маданият, санъат ва ижодий ташкилотлар ҳамда муассасалар.
8. Вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари – туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари юзасидан.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари РЎЙХАТИ

1. Туризм соҳасидаги коллежлар ва техникумлар.
2. Жисмоний тарбия ва спорт бирлашмалари, спорт федерацияларининг ҳудудий бўлимлари ҳамда муассасалари.
3. Ҳудуддаги маданият, санъат ва ижодий ташкилотлар ҳамда муассасалар.

Ҳокимнинг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик

[illegible]

Т/р	Асосий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	шу жумладан:									
			I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак		йиллик	
			режа	%	режа	%	режа	%	режа	%	режа	%
	Хусусий тадбиркорлар томонидан барпо этилган спорт иншоотлари сони	бирлик										
	Спортга жалб қилинган имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар сони	нафар										
	Фуқароларни спорт билан қамраб олиш даражаси	фоиз										
	Туризм ва спорт соҳаларида ёш тадбиркорлар томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари сони	бирлик										
	Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида таъкил этилган спорт ва туризм объектлари сони	бирлик										
	Асрашга доир ишлар амалга оширилган, шу жумладан реставрация қилинган, консервация қилинган ва муҳофаза зоналари белгиланган маданий мерос объектлари сони	бирлик										
	Янги таъкил этилган ва фаолияти йўлга қўйилган маданият объектлари сони	бирлик										
	Ҳамкорлик йўлга қўйилган ва қўллаб-қувватлаш амалга оширилган оммавий ахборот воситалари	бирлик										
	Туризм, спорт ва маданият соҳаларидаги таъкилотларга жалб этилган ботирувчилар, иш билан таъминланган ёшлар сони	нафар										
	Маҳаллий ҳокимият органлари сайтининг оммавийлиги даражаси (сайтга таъриф буюрувчиларнинг ҳудуд аҳолиси сонига нисбати)	фоиз										
	Ҳоким ва унинг ўринбосарлари томонидан оммавий ахборот воситалари учун таъкил этилган матбуот анжуманлари ва брифинглар сони	бирлик										
	Ижтимоий тармоқларда ҳудуд бўйича берилган маълумотларга муносабат билдирилиши даражаси (жамига нисбатан)	фоиз										
	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон лизими орқали ижроси таъминланиши зарур бўлган топшириқ ва вазифалар ижросини таъминлаш	бирлик										
	Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлиги (қаноатлантирилган мурожаатлар улуши)	фоиз										

Изоҳ. Йилда бир маротаба ҳисобланадиган кўрсаткичлар бўйича самарадорликни баҳолаш тегишли чоракда амалга оширилади ҳамда йил якунида инобатга олинади

**Ҳокимнинг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарининг функционал вазифалари
ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу низоми Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда – вилоят ҳокимлари ўринбосари)нинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, шахсий масъулияти, ваколати ва жавобгарлиги ҳамда энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ҳужжатларига, тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу низомига амал қилади.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш учун **Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгар ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.**

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари тегишли вилоят ҳокимига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини ҳал қилиш бўйича фаолияти **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва спорт вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.**

5. Вилоят ҳокимлари ўринбосарининг фаолияти натижадорлиги **ушбу низомига иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади.**

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

2-боб. Вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар вилоят ҳокими ўринбосарининг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш;

ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

жамиятда виждон ва диний эътиқод эркинлигини таъминлаш, диний ташкилотлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган фаолиятни изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашда, кексалар ролини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш.

8. Вилоят ҳокими ўринбосари ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари, вилоят ва шаҳар ҳокимининг фармойишлари ижросини, **жамоат ташкилотларини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича стратегик ва устувор вазифалар сўзсиз бажарилишини таъминлайди;**

республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурлар ижросини таъминлаш чораларини кўради;

демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш, давлат дастурлари ижросини таъминлашда уларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича дастурларга таклифлар ишлаб чиқади;

жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, жамоат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, демократик ислохотларни амалга оширишда уларнинг роли ва аҳамиятини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини кенг ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шужумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва фуқароларнинг ҳуқуқлари қонуний манфаатларига дахл қиладиган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда **давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;**

фуқароларнинг манфаатларига дахл қилувчи ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда **давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни** кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлайди;

жамиятнинг маданий ва маънавий ҳаётида, айниқса, ёшларни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга оширади;

б) ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш соҳасида:

жойлардаги ижтимоий-маънавий муҳитнинг реал ҳолатини доимий равишда ўрганади, соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади ва шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича комплекс тақлифлар ишлаб чиқади;

аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турли мафқуравий таҳдидларга, жумладан, диний экстремизм, терроризм ва бошқа ёт ғояларга қарши мустақкам иммунитетини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни, бу борадаги дастурлар ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон халқининг миллий ва диний меросини асраш, аҳолининг диний савиясини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширади;

ахборот таҳдидларининг олдини олишда, аҳолининг онги ватафакурини салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқоди ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафқуравий таҳдидларга қарши самарали курашни, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирларини тизимли амалга оширади;

чегарадош ҳудудларга тизимли равишда нуфузли уламолар, салоҳиятли имомлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларида иборат тарғибот гуруҳларини юбориб, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилади;

ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига тушибитини олдини олиш мақсадида уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун зиёлилар, олимлар ва уламолар иштирокида турли учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этади;

“Ёшлар экстремизмининг ҳар қандай кўринишига қарши”, “Жаҳолатга қарши маърифат” рунларида оммабоп теле-радио дастурлар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

в) жамиятда виждон ва диний эътиқод эркинлигини таъминлаш, диний ташкилотлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги Қонуни ва ушбу соҳадаги бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги **“Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ–5416-сон Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини сўзсиз таъминлайди;

диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ ишларнинг реал ҳолатини доимий равишда ўрганади, соҳадаги муаммоларни ҳар томонлама таҳлил қилади ва шу асосда стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар тайёрлайди;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини юқори ташкилий даражада ўтказишга шахсан жавоб беради, бу йўналишда маҳаллий давлат бошқаруви органлари, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маҳаллаларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмушнинг олдини олиш, ёш оила қурувчилар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ва тушунтириш-тарғибот ишларини амалга оширади;

зиёратгоҳлар вақабристонларни ободонлаштириш ишларини ташкил этади, бу йўналишдаги ишлар сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавоб беради;

г) жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган фаолиятини изчил амалга ошириш, дўстлик ва қўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустақкамлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги **“Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ–5046-сон Фармонида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини сўзсиз таъминлайди;

ҳудудда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик ва қўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустақкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга оширади;

давлат органларининг ҳудудларда жойлашган миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари билан ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини таъминлайди;

ҳудудда яшайдиган турли миллат ва элат вакиллариининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш варивожлантиришга қўмаклашади;

жойларда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга қаратилган ишларни ташкил қилади;

жойларда хорижий давлатлар билан биродарлашган шаҳарлар йўналишида маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

д) Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришининг маънавий-ахлоқий негизларини мустақкамлашда, кексалар ролини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш соҳасида:

кексалар ва пенсиядаги фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

кексалар ва пенсияга чиқадиган ҳодимларга доимий ғамхўрлик ваътибор кўрсатишни, уларга зарур моддий ва ижтимоий қўмак бериш, шунингдек, ҳар йили пенсионерлардан, айниқса, яқка-ёлғизларидан хабар олиш тадбирларини ташкил этади;

ёлғиз кексаларнинг уй-жой, маиший муаммоларини ҳал этишга қўмаклашади, уларни санаторий-курортда соғломлаштириш ва даволанишини ташкил этади;

кексалар ва пенсионерлар билан очик мулоқотни тизимли йўлга қўяди, уларнинг ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш мақсадида ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, корхона ваташкитотлар раҳбарлари томонидан қабул қилиш ишларини ташкил этади;

махаллаларда энг обрўли отахон ва онахонлар, хотин-қизлар, имомларни жалб этган ҳолда жамиятдаги иллатларнинг (Ўз жонига қасд қилиш, оилавий ажрим ва бошқа) келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўради;

кекса авлод вакиллари томонидан ёшлар билан ишлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, содир этилган **гайрииҷтимоий ҳолатларни ўз вақтида холи ўртасида муҳокама қилиш ишларини амалга оширади.**

Шунингдек, вилоят ҳоқими ўринбосари қўйидаги қўшимча функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ҳукуматининг ҳужжатлари ва тошпириқларининг бажарилиши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлайди;

худудда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний соҳада муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, кексаларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича яқин. Ўрта ваъзок мўдлатли истиқболга мўлжалланган концепциялар, ҳудудий дастурлар ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этилиши ва ижросини таъминлайди;

фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг ўта муҳим ва устувор йўналишлари бўйича ҳудудий дастурлар лойиҳаларини тайёрлайди;

амалга оширилаётган ислохотларнинг рўёбга чиқарилишини ўрганиш мақсадида маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари, давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида тегишли мавзуларга бағишланган сайёр (очиқ) мажлисларни тизимли асосда ўтказди;

халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида, ҳоқим ҳузуридаги йиғилишлардақўриб чиқиш учун тегишли режали масалаларни тайёрлайди ва киритади;

тегишли чора-тадбирлар кўриш учун ўзфаолияти соҳасига кирадиган муаммоли масалалар бўйича жамоатчилик фикрини тизимли ўрганади;

давлат органларининг вилоятда жойлашган тузилмалари билан жамоат ташкилотлари, диний ташкилотлар ҳамда миллий маданий марказлар вадўстлик жамиятлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни таъминлайди;

ҳоқим томонидан тегишли соҳада ислохотларнинг амалга оширилишини ўрганиш мақсадида ҳудудларда маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари, ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида мавзуга оид сайёр (очиқ) мажлислар ўтказиш учун тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиши вакиритилишини тизимли асосда таъминлайди;

ўзига бўйсунадиган котибият раҳбари ва мутахассисларнинг аниқ кўрсаткичлар, шунингдек, мақсадли индикаторларга эришишга асосланган фаолиятини тизимли баҳолайди, уларнинг зиммасига юкланган вазифа ҳамда функцияларнинг самарали ва натижалли бажарилиши учун шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий сафарлари ва республика ҳудудларига ташрифлари якунлари бўйича диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатларга оид белгиланган тошпириқлар ҳамда вазифаларни бажариш бўйича “йўл хариталари”нинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

ҳужжатлар амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ташкил этилишини таъминлайди.

3-боб. Вилоят ҳоқими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Вилоят ҳоқимининг ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижроя ҳоқимияти органлари таркибий бўлинмалари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

ҳудудда жамоат ташкилотларини ривожлантириш, ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний соҳада муҳим устувор вазифаларни амалга ошириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, кексаларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қарорлар, ҳудудий дастурлар ҳамда “йўл хариталари” лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини ташкил этиш;

халқ депутатлари Кенгашлари сессиялари, ҳоқимлик йиғилишларида қўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, бошқа органлар ваташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

ўзи ҳамкорлик қиладиган ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларивабошқа ташкилотларнинг коллегиял органлари мажлисларида, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг соҳага оид масалалар бўйича ўтказиладиган мажлис ва йиғилишларида уларнинг таклифи асосида қатнашиш;

тегишли комиссиялар (кенгашлар, гуруҳлар)га самарали раҳбарлик қилиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқими раҳбарлик қиладиган комиссиялар (кенгашлар) фаолиятини ташкил этиш ва қарорларининг бажарилиши, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит бўйича республика комиссияларининг қарорлари бажарилиши бўйича назоратни таъминлаш;

халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида, ҳоқим ҳузуридаги йиғилишлардақўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлганда, ҳудудий давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари белгиланган тартибда жалб этган ҳолда, ахборот-таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш.

10. Вилоят ҳоқимининг ўринбосари ушбу низомнинг 7 ва 8-бандларида ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

Вилоят ҳоқимларининг ўринбосари **Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳўжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кўчайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармони.** “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳўжатлари ва тошпириқлари самарали ва натижалли ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳоқимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон ҳамда **“Йго.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-**

[illegible]

[illegible]

Вилоятҳокими ёрдамчисининг ўзига бириктирилган соҳаларда ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларини ҳал қилиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади.

5. Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси фаолияти натижадорлиги ушбу Низомга иловага мувофиқ энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади.

6. Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ўз ваколати даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

2-боб. Хоразм вилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси фаолиятининг йўналишлари, вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар вилоят ҳокими ёрдамчисининг вазифалари ҳисобланади:

бириктирилган соҳаларда давлат сиёсати самарали ва сифатли амалга оширилиши, шу жумладан, идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш йўли билан молиявий ресурсларни бошқариш масалаларида;

ҳудудлар саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ташкилотлар ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш;

маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, ҳудудий ташкилотлар ўртасида саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш.

9. Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) вилоят ҳудудларининг маҳаллий саноат салоҳиятини ривожлантириш масалалари соҳасида:

ҳалқ истеъмоли моллари, шу жумладан, мебел ва чинни буюмлар ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва мева-сабзавотни қайта ишлаш, чарм-пойабзал, ипакчилик, қурилиш материаллари, электротехника ва заргарлик, фармацевтика саноатларини ривожлантириш юзасидан вилоят ҳудудларида маҳаллий саноатни ривожлантириш соҳасида стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

маҳаллий саноат фаолияти йўналишида ҳудудларда бошқарув тизимини, шу жумладан ҳудудий саноат корхоналари ҳамда ҳудудда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳудуднинг имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш, корхоналарни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни рағбатлантиради;

ҳудудларнинг табиий хом-ашё ва меҳнат ресурсларини ҳамда нисбий устунликларини инobatга олган ҳолда, маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, ҳудудларни ривожлантириш уйғунлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш кучлари самарали жойлаштирилишини “хом-ашё базасини таҳлил қилиш – ички бозор эҳтиёжларини ўрганиш – импортни таҳлил ва амалга ошириш” тамойили асосида ташкил этиш;

ташқи бозорларда рақобатбардош янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларни жаҳон бозорларига чиқариш ҳисобидан экспорт салоҳиятини кенгайтириш, товарлар (ишлар ва хизматлар) экспорти ҳажмлари ва тузилмасини оптималлаштириш.

б) ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импортни оптималлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш соҳасида:

вилоят ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳудудий ташкилотлар ўртасида саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш юзасидан соҳасида стратегик ва устувор вазифаларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш прогнози бажарилиши ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва рағбатлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ўрганиш асосида уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш захираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

республика импорт ҳажми ва номенклатурасини чуқур таҳлил қилиш асосида ҳамда ҳудуддаги мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудда маҳаллийлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг аниқ рўйхатини шакллантириш, импортни оптималлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

вилоят ҳудудида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ҳажми ва техник параметрлари юзасидан ахборотларни электрон кооперация порталига жойлаштириш ва янгилab бориш ишларини мониторинг қилиш;

хорижий компаниялар ва ташкилотларнинг таклифлари ва салоҳиятини ўрганиш асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотларнинг энг кўп талаб қилинадиган турларини ўзлаштириш бўйича хорижий шерикларни саноат кооперациясига кенг жалб этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудуддаги хўжалик юритувчи субъектларга республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг турлари, техник тавсифлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида батафсил маълумот бериш орқали ҳудудий саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3-боб. Вилоят ҳокими ёрдамчисининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вилоят ҳокими ёрдамчиси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва талаб қилиб олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш, ваколати доирасига кирувчи соҳаларнинг самарали

ишлаши ҳамда ривожлантириш бўйича тегишли давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларига кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича доимий асосда фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳига бириктирилган бошқармалар ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органларихудудий тузилмаларираҳбар ва мутахассисларини жалб қилган ҳолда, импортни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектларини импорт таркибини таҳлил қилган ҳолда жойига чиқиб ички ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хорижий тажрибалар асосида замонавий ишлаб чиқариш маҳсулотларини ишлабчиқаришни тарғиб қилиш, импортёр тадбиркорлик субъектлари билан доимий ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида кичик ишчи гуруҳлар ташкил қилиш, таҳлил натижасида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш, шунингдек,юқоридаги масалалар юзасидан вилоят ҳокимига таклифлар киритиш;

бириктирилган бошқармалар ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари худудий тузилмаларининг мажлисларида, шунингдек, вилоят ҳокими тошпириқлари бўйича – бошқа давлат органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар худудий тузилмаларининг ўзи юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар худудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда вакиллари ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинча ишчи гуруҳлар тузиш.

11. Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ушбу Намунавий низомнинг 8 ва 9-бандларида ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг тегишли равишда ва самарали бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

Вилоят ҳокимининг ёрдамчисиЎзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали тапқил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6166-сон Фармони, 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва тошпириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ–2881-сон қарорига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради.

4-боб. Вилоят ҳокимининг

ёрдамчиси фаолиятини тапқил этиш

12. Вилоят ҳокими ёрдамчисининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, ушбу Намунавий низомга мувофиқ, вилоят ҳокимининг чораклик ва ярим йиллик иш режалари асосида тапқил этилади.

Ушбу иш режалари асосида вилоят ҳокими ёрдамчисининг ойлик шахсий иш режалари ишлаб чиқилади ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

13. Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси ҳисоботи вилоят ҳокимининг йиғилишларида эшитиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоят ҳокиминингёрдамчисининг тегишли ҳисоботлари халқ депутатлари Кенгаши мажлисида эшитилади.

14. Вилоятҳокими ёрдамчисининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишини баҳолаш, улар юзасидан ҳисоботларни эшитиш ва тегишли чораларни кўриш Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

15. Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси фаолияти тегишли котибият томонидан таъминланади.

Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиситомонидан ўзаро ҳамкорлиги таъминланадиган ташкилотларнинг худудий бўлиналари РЎЙХАТИ

1. Инвестициялар ва тапқи савдо бошқармаси.
2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси.
3. Давлат божхона қўмитасининг худудий бошқармаси.
4. Давлат Статистика қўмитасинингхудудий бошқармаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори асосида тапқил этилган ишчи гуруҳ аъзолари;
6. Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар худудий бошқармалари.

Ҳоким ёрдамчисининг функционал

вазифалари ҳамда уларнинг фаолияти
самарадорлигини
баҳолаш тўғрисидаги низомга
илова

Хоразмвилояти ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйичаёрдамчисининг иш самарадорлигини баҳолаш КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	Kўrsatkich nomi	Ўлчов бирлиги	Ўтган йилга нисбатан					
			юқори даражада	етарли даражада	ўртача даражада	етарли даражада эмас	паст даражада	қоникарс
1.	Худудий товарлар ва хизматлар импортининг ўсиш суръати*	фоизда						
2.	Товарлар импортида асбоб-ускуна ва ишлаб чиқариш учун хом-ашёнинг улуши	фоизда						
3.	Товарлар импортида истеъмол маҳсулотлари улуши	фоизда						
4.	Импортни оптимallasштириш борасида тариф ва нотариф бошқарув юзасидан таклифлар берилиши	Сон жиҳатидан						
5.	Маҳаллий хомашё, ишлар ва хизматлар негизида импорт ўрнини босувчи лойиҳалар шакллантириш (маҳсулотлар ишлаб чиқариш) юзасидан таклифлар	Сон жиҳатидан						
6.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматининг ўсиш суръати	фоизда						
7.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг худудий импортдаги улуши	фоизда						
8.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг худудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши	фоизда						
9.	Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳалар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг ўсиш суръати	фоизда						
10.	Худудда фаолият кўрсатаётган жами саноат корхоналарининг ўз маҳсулотини кооперация порталига жойлаштириш даражаси	фоизда						
11.	Маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кооперация портали орқали тузилган партнормалар асосида етказиб бериш даражаси	Ўтган чоракка нисбатан фоизда						
12.	Худудда саноат ярмаркаси ва кооперация биржасини ташкил этиш	+/-						

*2-банд бўйича кўрсаткич 40%дан юқори бўлганда, 1-банд бўйича кўрсаткич ҳисобга олинмайди.

**Вилоят ҳокимлигининг Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларива фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўз фаолиятини вилоят ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

4. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар ташкилий-кадрлар гуруҳининг вазифалари ҳисобланади:
вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

тасдиқланган лавозимлар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш чора-тадбирлари

комплексини амалга оширади, кўриб чиқиладиган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлайди;

келгусида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари захирасини шакллантириш ишларини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йигмажилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил қилади;

захирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қилади;

вилоят ҳокимининг мутасаддилик қиладиган ўринбосарлари билан биргаликда вилоят ҳокимлиги аппарати кадрларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг захираси тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ва доимий янгилаб боришни таъминлайди;

давлат мукофотларига тавсия этишга оид ҳужжатларни юритади;

ташкилий-кадрлар масалалари бўйича вилоят ҳокимининг қарорлари ва бошқа ҳукукий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, вилоят ҳокими раҳбарлигида ўтказиладиган йигилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳудудий давлат органларига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ташкилий-кадрлар гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига ташкилий-кадрлар гуруҳи йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

Ташкилий-кадрлар гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

8. Ташкилий-кадрлар гуруҳи:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг оқибатлари учун жавоб беради.

IV. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг тузилмаси

9. Ташкилий-кадрлар гуруҳи тузилмаси гуруҳ раҳбари, иккита бош мутахассиси ва етакчи мутахассисдан иборат бўлади.

Ташкилий-кадрлар гуруҳининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Ташкилий-кадрлар гуруҳи ўз фаолиятида вилоят ҳокимига бўйсунади.

Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Ташкилий-кадрлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

12. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари:

Ташкилий-кадрлар гуруҳига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда ташкилий-кадрлар гуруҳига мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсмотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йигилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йигилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йигилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Ташкилий-кадрлар гуруҳининг бош ва етакчи мутахассислари:

Бевосита гуруҳ раҳбарининг раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан, ҳар ҳафталик аппарат йигилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти,
ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар
масалалари гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар гуруҳи ўз фаолиятини вилоят ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар гуруҳининг вазифалари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар бўйича ҳокимликка юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва соғлигини муҳофаза қилишни, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларини шакллантиришни, шу жумладан, уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

мудофаа қудратини таъминлаш, ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ҳисобга олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, бронга қўйиш масалалари бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатларда тегишли органларнинг ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган ҳужжатларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

вилоят ҳокими томонидан ўтказиладиган ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йигилишларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди;

вилоят ҳокими томонидан ўтказиладиган ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йигилишларни ташкил қилади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимни белгиланган муддатларда хабардор қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йигилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йигилишлар ва

бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига Ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг тузилмаси

9. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи тузилмаси гуруҳ раҳбари, бош мутахассис, етакчи мутахассисдан иборат бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазибалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ўз фаолиятида вилоят ҳокимига бўйсунди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи вилоят (шаҳар) ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

12. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи раҳбари:

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда Ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳига мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳининг бош мутахассиси, етакчи мутахассиси ва 1-тоифали мутахассиси

Бевосита гуруҳ раҳбари раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят (шаҳар) ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан, ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳининг (кейинги ўринларда Ахборот-таҳлил гуруҳи деб юритилади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ахборот-таҳлил гуруҳи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Ахборот-таҳлил гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати ва вилоят ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

4. Ахборот-таҳлил гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Ахборот-таҳлил гуруҳининг вазифалари ва функциялари

5. Ахборот-таҳлил гуруҳининг фаолияти қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

ҳокимликнинг иш режаси бажарилиши мониторингини ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

экспертиза натижалари бўйича ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида ҳокимга ахборот беради, ҳоким томонидан имзоланган ҳужжатларга виза қўяди ва уларнинг чиқарилишини ташкил этади;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссияларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатлар тайёрланишини таъминлайди;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларни ижро назорат бўлими билан биргаликда ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳокимни бажарилиши ва натижалари тўғрисида белгиланган муддатларда хабардор қилади;

бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда ҳокимнинг кўриб чиқиши учун ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни, шунингдек ҳокимнинг маърузалари ва нутқларини тайёрлайди;

халқ депутатлари Кенгаши ҳамда ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ва сифатли тайёрлаш бўйича ҳокимнинг ўринбосарлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилади;

амалга оширилаётган хатти-ҳаракатлар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш ҳамда ҳокимликнинг фаолияти матбуот, радио, телевидение ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармогида ҳолисона ёритилиши учун бошқарув аппаратининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолиятини янада тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

матбуот конференциялари, брифинглар ўтказиш, интервьюлар олишни ва ҳокимликнинг раҳбарияти ва ходимлари билан оммавий ахборот воситалари вакиллариининг бошқа учрашувларини ташкил қилади;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолияти масалалари юзасидан жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари нуқтаи назарини ўрганиш бўйича таҳлилий ишларни амалга оширади, ҳокимлик раҳбариятига ахборот бериш учун матбуотда эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотномаларни эълон қилиш ишларини амалга ошириш учун халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимлик фаолияти тўғрисидаги таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар маълумотларининг тизимлаштирилган банкни ташкил қилади.

Ахборот-таҳлил гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

III. Ахборот-таҳлил гуруҳининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

6. Ахборот-таҳлил гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни вилоят ҳокимлигининг котибиятларидан, ҳудудларни комплекс ривожлантириш йигма бошқармасидан, вилоят ташкилотларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

вилоят ҳокимлиги котибиятларининг иқтисодий ривожлантириш, ижтимоий, таркибий ва институционал ислохотлар, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ва ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудларни комплекс ривожлантириш йигма бошқармасининг масъул ходимларини жалб этган ҳолда ўтказиладиган мажлисларга пухта тайёргарлик кўриш, тегишли таҳлилий маълумотларни тайёрлаш;

ҳудудларни комплекс ривожлантириш йигма бошқармасининг тегишли бўлимларига юклатилган фуқционал вазифалардан келиб чиққан ҳолда улардан зарурий маълумотларни олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йигилишлар ўтказиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва вилоят ҳокимлигининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

7. Ахборот-таҳлил гуруҳи қуйидагиларга жавобгар:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

вилоят ҳокимига киритилган таклифлар ва масалалар эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқилиши ташкил этилиши;

ҳоким томонидан берилган топшириқларни умумлаштирилиши, уларнинг бажарилишини назорат қилиниши, натижалари тўғрисида белгиланган муддатларда ҳокимни хабардор қилиниши учун жавоб беради.

IV. Ахборот-таҳлил гуруҳининг тузилмаси

8. Ахборот-таҳлил гуруҳининг тузилмаси раҳбар, 2 нафар бош мутахассис ва 3 нафар етакчи мутахассисдан иборат бўлади.

9. Ахборот-таҳлил гуруҳи тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори қарори билан белгиланади.

10. Ахборот-таҳлил гуруҳининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга, ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Ахборот-таҳлил гуруҳи ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунди.

12. Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

13. Ахборот-таҳлил гуруҳининг функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади.

V. Ахборот-таҳлил гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

14. Ахборот-таҳлил гуруҳи ишлари вилоят (шаҳар) ҳокимлигининг Иш тартибига, ушбу Низомга, вилоят ҳокимининг топшириқларига, шунингдек вилоят ҳокимлигининг иш режалари, Ахборот-таҳлил гуруҳининг чораклик иш режалари, Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

15. Ахборот-таҳлил гуруҳининг чораклик иш режалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.

VI. Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари

16. Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари:

Ахборот-таҳлил гуруҳига бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз мутахассислари ишларини ташкил қилади ҳамда Ахборот-таҳлил гуруҳига юкланган вазифалар, функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

вилоят ҳокимига киритилган Ахборот-таҳлил гуруҳи мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

вилоят ҳокими раислигидаги ўтказиладиган йиғилишларда комиссиялар, кенгашлар мажлисларида, Ахборот-таҳлил гуруҳи мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

вилоят ҳокимлигига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, вилоят ҳокимининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

вилоят ҳокими билан келишган ҳолда гуруҳ мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

чикувчи хат-хабарларни имзолайди;

ахборот-таҳлил гуруҳи ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш ва касб малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни вилоят ҳокимига тақдим этади.

17. Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бош мутахассиси бажаради.

18. Бош мутахассис (етакчи мутахассис):

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича

таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбарига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодийнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

низоми ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармасининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ишлар бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ишлар бошқармаси ўз фаолиятини вилоят ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

4. Ишлар бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Ишлар бошқармаси нинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар ишлар бошқармасининг вазифалари ҳисобланади:

вилоят (шаҳар) ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлашни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан ишлар сифатини яхшилашни амалга оширади;

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш, расмийлаштириш, кўпайтиришни ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ва вилоят ҳокими ўринбосарларининг котибиятлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил қилади;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига ва бошқа йиғилишларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилади;

вилоят ҳокимлигининг фаолиятини молиявий-хўжалик ва моддий-техник таъминлашни ташкил қилади, вилоят ҳокимлиги ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш тадбирларини амалга оширади, молия интизомига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Ишлар бошқармаси тўғрисидаги Низомга ва вилоят ҳокимининг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6. Ишлар бошқармаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

вилоят ҳокимлигининг иш режасига Ишлар бошқармасига оид масалалар бўйича таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди;

Ишлар бошқармаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Ишлар бошқармасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ишлар бошқармаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ

депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Ишлар бошқармаси:

Ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Ишлар бошқармасининг тузилмаси

9. Ишлар бошқармасининг тузилмаси ишлар бошқарувчиси, девонхона мудир, бош ҳисобчи, 2 та бош мутахассис, 1 та етакчи мутахассисдан иборат бўлади.

Ишлар бошқармасининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Ишлар бошқармасининг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ иш ташкил этилади.

11. Ишлар бошқармасининг ўз фаолиятида вилоят ҳокимига бўйсунди. Ишлар бошқарувчиси вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Ишлар бошқармасининг фаолиятини ташкил этиш

12. Ишлар бошқармасининг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Ишлар бошқарувчиси:

Ишлар бошқармасига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда Ишлар бошқармасига мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Девонхона мудири:

вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари аппарати ва таркибий бўлинмаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12-январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси бошқаруви ва Давлат бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларига асосан иш юритади;

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарорлари ва фармойишларини рўйхатдан ўтказди, ҳисобга олади, расмийлаштиради, кўпайтиради ва шу жумладан электрон почта орқали жўнатишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қабул қилинган ҳамда жойларга юборилган қарорлар ва фармойишлар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади;

вилоят ҳокимлиги ҳужжатлар йиғма жилдлари номенклатурасини тузади, ҳокимлик аппаратида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди;

вилоят ҳокимлиги техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шахсий иши бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради, вилоят ҳокимлиги ходимларининг меҳнат дафтарчаларини юритади.

15. Бош ва етакчи мутахассис:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича

таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Бошқарма бошлиғига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

ҳоким ва/ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

Ушбу низом ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

16. Бошқарма ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар, шунингдек узоқ муддат ишлаганлиги учун тўловлар ҳокимнинг қарорига мувофиқ тўланади.

Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи котибияти тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг ўринбосари кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

вилоят, шаҳар ва туманларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини, шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, инвестиция, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усуллари жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожлантириш, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, инвестиция, маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толасини ва мевасабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни қафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қуватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг қафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажминини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажминини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида кишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг кишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечириши учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул тўловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

чакана ва улгуржи савдони, хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишнинг янги шакллари ва усуллари кенг жорий этиш, аҳолини истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритиш;

ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш;

давлат органларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек кишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқирилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати,

шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир ва етакчи мутахассисдан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунади.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари фаолиятига қиравчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

14. Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи котибияти мудир

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан

ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари қўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсмотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. . Вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи котибиятининг I-тоифали мутахассиси:

Бевосита котибият мудир раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва/ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПК-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, ҳудудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш дастурлари, шунингдек бошқа ҳудудий дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

вилоят ҳудудида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

курилиш индустриясини ва курилиш материаллари саноатини ривожлантириш;
муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш;
кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жихатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;
аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжалигини ривожлантириш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқирилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб

борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир, бош мутахассис, етакчи мутахассис ҳамда котибият ҳузуридаги ер участкаларини олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси мудир ва шўъба бош мутахассисидан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича ўринбосарига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича ўринбосари фаолиятига қиравчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуйидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чоратадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

14. Вилоят ҳокимининг вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибияти мудир:

котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг етакчи мутахассиси:

бевосита котибият мудир раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирга, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иктисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий

равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи котибияти тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи бошлиғи котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг ўринбосари кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:
инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштириш;

ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг экспорт ҳажмлари, номенклатураси ҳамда географиясини кенгайтириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш;

илмий ва илмий-техникавий фаолиятни амалга ошириш, илмий-техникавий ва инновацион ривожланишни таъминлаш;

эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш ҳамда экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш;

кичик саноат зоналарининг самарали фаолиятини ташкил этиш, уларда рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантириш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қуватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмини босқичма-босқич қисқартириш ва бартараф этиш;

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида кишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йигилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йигилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратида юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

Ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир ва бош мутахассисдан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари,

фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари фаолиятига қирувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

14. Котибият мудир

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига қирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Котибиятининг бош мутахассиси:

Бевосита котибият мудир раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда қилинишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирга, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иктисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва/ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибияти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПК-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг ўринбосари кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудуд иктисодиётининг рақобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, фермер хўжаликлари, тадбиркорлик

субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлилни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илгор усуллари жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўриш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармогини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

уруғчилик ва селекция ишларини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут ипак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни кўпайтириш;

табiiй ресурслардан оқилona фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа

хужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратиға юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг худудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалға оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалға оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир, бош мутахассис ва 1-тоифали мутахассисдан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини

янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳоқими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунади.

Вилоят ҳоқими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳоқими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари фаолиятига қирувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

14. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибияти мудир:

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

қиритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳоқими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига қирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг бош мутахассиси, I-тоифали мутахассиси:

бевосита котибият мудир раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи котибияти тўғрисида

НИЗОМ

Умумий қоидалар

Ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691- сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ вилоят ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари – туризм ва спорт бош бошқармалари бошлиқлари котибиятининг (кейинги ўринларда - Котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Котибият ўз фаолияти домида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа Қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президента Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, шунингдек бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

туризмни жадал ривожлантириш, ҳудуднинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туристик маҳсулотлар ва хизматларни диверсификация қилиш, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш;

ички туризмни жадал ривожлантириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, зиёрат туризмни ривожлантириш;

туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикасини ривожлантириш, туризм соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, хизмат кўрсатувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

аҳолининг кенг қатламлари спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва шу орқали ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етиши кўрсаткичларини оширишни таъминлаш;

маданий соҳадаги ислоҳотларни жойларда амалга оширилишини таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламлари, айниқса ёшларни маданият муассасаларига жалб этиш ва маданий-оммавий тадбирлар билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш;

худудда оммавий ахборот воситалари, ахборот тарғибот соҳасини комплекс ривожлантиришни таъминлаш чораларини кўриш.

масъул вазирлик, идора ва қўмиталарнинг ҳудудий бошқармалари иш фаолиятини туризмни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш.

Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президента Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президента Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳудудий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммолари масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоят, шунингдек туризмни ривожлантириш мақсадида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

туризм соҳасининг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

туризм соҳасидаги ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг ҳудудда туризмни ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмаларидан, шаҳар ва туман ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳларини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудда туризмни ривожлантириш масалаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқишни ва муҳокама қилилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратида юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

хужжатлари, вилоят ҳокимининг хужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилишини белгиланган тартибда ўрганиш.

Котибият:

Ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг хужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари девонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва хужжатлар лойиҳалари ўз вақтида тайёрланиши;

туризмни ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодий тармоқлари ва алоқадор соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммолар масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва хужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳудудий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган хужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 12-сонли қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

Котибиятнинг тузилмаси ва ҳодимларининг чекланган сонни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли хужжатлари билан белгиланади.

Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган бошқарув аппарата ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарига буйсунади.

Вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг котибияти мудир ҳокимнинг ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Котибият фаолиятини ташкил этиш

Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари фаолиятига қиравчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

Вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибияти мудир:

киритилган таклифлар ва хужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган хужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли хужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

вазифалар тақсимотини, шунингдек котибият иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва вилоят ҳокимлигига тасдиқлаш учун киритади, мутахассисларнинг ойлик, чорак ва йиллик иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига қиравчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва хужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган хужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва хужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва хужжатлар лойиҳалари тўғрисида белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, тегишли тармоқ ва соҳалар бўйича - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳудудий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

Вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлинмалари тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринларда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоят, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан уларнинг айрим тармоқларга ва умуман ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муддатли ва узоқ муддатли таъсирини комплекс баҳолаш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа

қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истикболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқирилиши ва муҳокама қилирилиши ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқириши ва қарор қабул қилирилини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқириши сабаблари ўз вақтида аниқланириши ва таклифлар тайёрланириши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилирининг ташкил этилириши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилириши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланириши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқириш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқириш ва экспертизадан ўтказириш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилирининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан қамраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

академик лицейлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни қамраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсимооти юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур профессионал билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, “оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илгор кўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини иноватга олган ҳолда аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғаракларга, шу жумладан, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига қамраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш.

Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакали тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, дам олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тўлиқ қамраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, тугма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсони бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташхис қўйишнинг замонавий усулларини жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усулларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш, бандлик, маиший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва спорт соҳалари муассасаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади.

Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва ташвиқотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

ҳудудда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш

масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадли, режали, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт гояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла институтининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

демократик ўзгартиришларни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда маҳалла институтининг роли ва аҳамиятини кучайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган, шу жумладан, ёшларни маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини ташкил этиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириш учун давлат органлари томонидан зарур шароитлар яратиш, фуқаролар йигинларига қонунчиликда берилган ваколатларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш ишларини ташкил этиш;

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг минтақавий тузилмаларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига методик, амалий ва моддий-техник ёрдам кўрсатиш соҳаларида кўмаклашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий билимларини оширишни мунтазам ташкил этиш, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари малакасини ошириш ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни таъминлаш;

фуқаролар йигинлари раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фуқаролар йигинларига давлат органларининг кўмаклашишини таъминлаш, зарур ҳолларда уларни хоналар, транспорт воситалари ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмуни, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш;

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан назоратни таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир, бош мутахассис ва 1-тоифали мутахассисдан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдикланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар сиёсати бўйича биринчи ўринбосарига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг биринчи ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг маъмурий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ўзини ўзи бошқариш ва ёшлар сиёсати органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарларининг фаолиятига қиравчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуйидаги соҳаларда юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чоратadbирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирган ҳолда олиб борилади.

14. Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибияти мудир:

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

қиритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳоқими ва унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари котибиятининг бош мутахассиси, етакчи мутахассиси, I тоифали мутахассиси:

Бевосита котибият мудирини раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳоқими ва унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари котибияти тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия

хокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПК-2691-сон қарорига мувофиқ вилоят (шаҳар) ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг ўринбосари кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг вилоятда жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувликни ва диний бағри кенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик

ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига кўмаклашиш.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва таклифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истикболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят (шаҳар) ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқирилиши ва муҳокама қилирилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратида юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажаририлиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажаририлиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб боририлиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилирилини талаб этувчи муаммолар масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланилиши ва таклифлар тайёрланилиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудиридан иборат бўлади.

Котибиятнинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари ўринбосарига бўйсунди.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ҳокимнинг ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият фаолияти вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари фаолиятига кирувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга узвий йўналтирилади.

14. Вилоят ҳокимининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосари бўйича котибияти мудир:

котибиятга бевосита раҳбарлик қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

**Вилоят ҳокимлиги Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш,
экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори га мувофиқ вилоят ҳокимлиги Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

**II. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга
кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг вазифалари ва функциялари**

5. Қуйидагилар Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

бизнесни юритиш, шу жумладан бизнесни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари бериш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва шу кабилар бўйича халқаро ташкилотларнинг тадқиқотлари доирасида баҳоланадиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда жорий этилиши мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил қилади;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари кўрсатувчи бошқа ваколатли органларнинг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилади;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик

муҳитини ривожлантириш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлайди ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритади;

худудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади;

худуднинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, кичик бизнес субъектлари экспортига кўмаклашиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, кичик бизнес субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

худуддаги тадбиркорлик субъектларининг чет давлатларда ўтказиладиган кўргазмаларда ўз маҳсулотлари билан иштирок этишига ҳамда чет давлатларда савдо уйлари ташкил қилишига кўмаклашади;

туризм хизматлари экспортини кўпайтириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этилишини таъминлайди;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги, маҳсулот экспорти борасидаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни ва экспортни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва вилоят ҳокимининг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига гуруҳ йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратиغا юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг

ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят (шаҳар) ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи тузилмаси

9. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи тузилмаси гуруҳ раҳбари, бош мутахассисдан иборат бўлади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарига бўйсунди.

12. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи раҳбари ҳокимнинг биринчи ўринбосарининг тавсиясига асосан вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи фаолиятини ташкил этиш

13. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

14. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳи раҳбари:

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳига мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига катъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят (шаҳар) ҳокими ёки унинг ўринбосарлари ўтказадиган йигилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йигилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йигилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб қувватлаш гуруҳининг бош мутахассиси:

бевосита гуруҳ раҳбарининг раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратadbирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан, ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси котибияти тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари котибиятининг (кейинги ўринда котибият) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Котибият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Котибият ўз фаолиятини вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

4. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг ўринбосари кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Котибиятнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар котибиятнинг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожланиши, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий

ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш ҳисобига республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлаш ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритиш;

ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этади.

6. Котибият ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоятни, шунингдек саноат соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига котибият йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Котибиятнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Котибият ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Котибият:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

саноат соҳасида амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммолар масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқирилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Котибиятнинг тузилмаси

9. Котибият тузилмаси котибият мудир ва бош ва 1-тоифали мутахассисдан иборат бўлади.

10. Котибиятнинг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Котибият ўз фаолиятида вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарига бўйсунади.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг котибияти мудир ва мутахассислари, ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича вилоят ҳокимининг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Котибият фаолиятини ташкил этиш

12. Котибиятнинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Котибият мудир

Котибиятга бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда котибиятга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

15. Котибиятнинг бош ва I-тоифали мутахассиси:

Бевосита котибият мудир раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чоратадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича – Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими ва ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлигининг ижро интизоми назорати бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги ижро интизоми назорати бўлимининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ижро интизоми назорати бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларива фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ижро интизоми назорати бўлими ўз фаолиятини вилоят ҳокими раҳбарлигида амалга оширади.

4. Ижро интизоми назорати бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг кўрсатмасаига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Ижро интизоми назорати бўлими вазифалари ва функциялари

5. Қуйидагилар ижро интизоми назорати бўлимининг вазифалари ҳисобланади:

вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда таъминлаш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

белгиланган тартибда вилоят ҳокимлиги иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловларини, Ўзбекистон Республикаси референдумларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли сайлов комиссияларига ёрдам кўрсатади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Ижро интизоми назорати бўлими тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6. Ижро интизоми назорати бўлими ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

вилоят ҳокимлигининг иш режасига ижро интизоми назорати бўлими йўналиши бўйича масалаларга доир таклифларни киритади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Ижро интизоми назорати бўлими қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Ижро интизоми назорати бўлими ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Ижро интизоми назорати бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб қиладиган ҳамда бошқарув аппаратиغا юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳужжатлари, вилоят ҳокимининг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

8. Ижро интизоми назорати бўлими:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, вилоят ҳокимининг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи

муаммоли масалаларнинг келиб чиқиши сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган хулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизومي таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, шунингдек вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Ижро интизومي назорати бўлимининг тузилмаси

9. Ижро интизومي назорати бўлими тузилмаси бўлим раҳбари, етакчи мутахассис ва 1-тоифали мутахассислардан иборат бўлади.

Ижро интизومي назорати бўлимининг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2691-сон қарори билан белгиланади.

10. Ижро интизومي назорати бўлимининг ишлари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга ва ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади.

11. Ижро интизومي назорати бўлими ўз фаолиятида вилоят ҳокимига бўйсунади.

Ижро интизومي назорати бўлими раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Ижро интизومي назорати бўлими фаолиятини ташкил этиш

12. Ижро интизومي назорати бўлимининг ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларининг иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Ижро интизومي назорати бўлими раҳбари:

Ижро интизومي назорати бўлимига бевосита раҳбарлик қилади, ўз мутахассисларнинг ишларини ташкил қилади ҳамда бўлимга мазкур Низомда белгиланган ва юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

киритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди.

Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

мутахассислар ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди;

вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишни белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

14. Ижро интизоми назорати бўлимининг етакчи мутахассиси, I тоифали мутахассислари:

Бевосита бўлим раҳбарининг раҳбарлигида иш олиб боради;

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларни тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича - Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

вилоят ҳокими томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан, ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар хил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низомга ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати

Вилоят ҳокимлиги юридик хизмати фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон [қарори](#) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.


Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти

Болаларни ҳимоя қилиш масалалари котибияти фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПФ-6275-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

III. Яқунловчи қоидалар

1. Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари котибиятларининг вазифалари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомларда ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.
2. Мазкур функционал вазифалар тақсимотига қонунчиликда белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Хоразм вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган сони - **61 нафар**

* - бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонига киритилмайди.